



MILLIY TIKLANISH

12 (73) 2010 йил 24 март, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

www.milliytiklanish.uz



Кўли гулдир ўзбек аёлин...

- Биз ясаган кўғирчоқлар болажонларга меҳр тафтини беради, улар фарбнинг истараси совуқ Барбиларидан фарқ қилади. Бу кўғирчоқларнинг яна бир муҳим томони уларни ўйнаган бола миллий руҳда тарбия топади, - дейди Саида опа.



Зилзила, кейин цунами

Роғун ГЭСи фаолияти яқин келажақда Марказий Осиё минтақасининг ҳам экологик барқарорлигига, ҳам иқтисодий фаровонлигига салбий таъсир этибгина қолмай, пировардида, минтақанинг умумий, яъни трансмиллий хавфсизлигига таҳдид солиши тайин.



Уйчининг бугунги манзаралари

Сафаримиз давомида тумандаги 46 та мактаб орасида бу даргоҳга бежиз «Йил мактаби» унвони берилмаганига, бу йил ҳам жамоанинг пешқадамлики қўлдан бермаслигига, асосийси, келажагимиз эгалари – ёшлар ишончли қўлларда эканлигига амин бўлдик.

5-бет

7-бет

8-бет

Президент Ислам Каримовнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги сўзи

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар! Азиз дўстлар, мухтарам меҳмонлар! Биз орзиқиб кутадиган, баҳор, яшариш ва янгиликнинг рамзи – Наврўзи олам қўлғуси қадами билан ўлкамизга кириб келмоқда.

Мана шу улғў айём билан сиз азизларни, бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Ҳурматли юртдошлар! Наврўз барчамиз учун азал-азалдан аввало табиат уйғониши, шарқона янги йил дебocasи, маънавиятимизнинг узвий қисмига айланиб кетган энг қадимий, асл миллий байрам сифатида азиз ва муътабардир.

Ҳақиқатан ҳам, бу дилбар фаслда офтоб чарақлаб, ёру кўкни қиздириши билан биз ҳам ўзимизни худдики янгитдан тўғилгандек ҳис қиламиз, қалбларимиз, юракларимиз пок ниятларга тўлиб, бутун вужудимизда янги куч-ғайрат жўш ургандек бўлади. Айни шу мунаввар кунларда инсон табиатдан баҳра олиб, сумалак ва ҳалим, гўжа ва кўксомса каби баҳорий неъматлар тортилган дастурхонлар атрофида Наврўз қувончини ўз яқинлари, дўсту биродарлари билан баҳам қўришга интилади.

Айни шу гўзал паллада бетакрор Ватанимизнинг барча гўшаларида – Фарғона водийсидан Сурхон тоғларигача, Қорақалпоқ диёридан Самарқанд боғларигача, Тошкент воҳасининг ям-яшил қир-адирларигача – халқимиз, кексаю ёш юртдошларимиз табиат билан уйғун бўлиб, сайил-томошалар ўтказиб, Наврўз қувончини ўз яқинлари, дўсту биродарлари билан баҳам қўришга интилади.

Айни шу гўзал паллада бетакрор Ватанимизнинг барча гўшаларида – Фарғона водийсидан Сурхон тоғларигача, Қорақалпоқ диёридан Самарқанд боғларигача, Тошкент воҳасининг ям-яшил қир-адирларигача – халқимиз, кексаю ёш юртдошларимиз табиат билан уйғун бўлиб, сайил-томошалар ўтказиб, Наврўз қувончини ўз яқинлари, дўсту биродарлари билан баҳам қўришга интилади.

Бу буюк ва бетакрор айёмнинг яна бир ноёб ҳислати шундаки, баҳор келиши, гўл-чечаклар очилиши билан ҳар қайси инсон ўз оила аъзолари, қадрдонларини бағрига босиб, нафақат таниш,

балки нотаниш одамларни ҳам қўлаб, соғлиқомонлик, бахт ва омад тилайди, юртимиздаги тинчлик-осойишталик, аҳиллик тобора мустаҳкамланиб боришини, осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлишини истайди.

Неча минг йиллик тарихдан маълумки, Наврўз фаслида турли низо ва адоватлар унутлади, одамлар ўртасида меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват, ҳамжиҳатлик каби инсоний туйғулар янада кучаяди. Наврўзи оламнинг умуминсоний цивилизация ривожига қўшган буюк ҳиссасини инобатга олиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шу йилдан бошлаб бу айёмни Халқаро Наврўз кунини деб тан олгани албатта бежиз эмас ва бу барчамизга катта гурур ва ифтихор бағишлайди.

Қадрли дўстлар! Бағрикенг ва меҳмондўст халқимиз ўзига раво қўрган яхшилик ва эзгу тилакларни доимо ўзгаларга ҳам раво қўради.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда иштирок этаётган, бизга яхши ният ва хайрихоҳлик билан қарайдиган, мамлакатимиз тарақиёти учун катта қўмак бераётган хорижий давлатларнинг мухтарам элчиларига, чет эл ваколатхоналари вакиллари, узоқ-яқиндаги дўсту ҳамкорларимизга самимий миннатдорчилик билдириб, уларни чин дилдан қўлашга руҳсат этгайсиз.

Азиз ва қадрли ватандошларим! Қўламининг беғубор нафаси уфуриб турган, деҳқонларимиз янги оруз-умидлар билан ерга уруғ қадаётган шу қўлғуси паллада барчангизни бағримга босиб, Наврўз байрами билан яна бир бор муборакбод этаман.

Шу гўзал майдонга файз бериб ўтирган мухтарам фахрийларимизга, мунис опа-сингилларимизга, чехрасида хўш кайфият, куч-ғайрат порлаб турган ёшларимизга, менинг азиз фарзандларимга ўзимнинг чуқур ҳурматим ва самимий тилакларимни билдиришдан бахтиёрман.

Илоҳим, мана шундай хурсандчилик билан бошланаётган Янги йилимиз Ватанимизга тинчлик, бахту саодат, ободлик ва фаровонлик олиб келсин.

Деҳқонларимизнинг омадини берсин! Хосилимиз мўл, хирмонларимиз баян бўлсин! Хонадонларимиздан файзу барака аримасин! Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорлари

Ватан равнақига дахлдорлик бахти

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилиши адабиёт, санъат, фан ва маданият соҳаларида ўз салоҳиятини намойиш этаётган иқтидорли ва оқила қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга хизмат қилмоқда.

Ана шундай истеъдод эгаларидан бири - Қарши давлат университети қошидаги 2-академик лицейда табиий фанлар йўналишида тахсил олаётган Азиза Алманова изланувчанлиги, тиришқоқлиги билан тенгдошларига ўрناк бўлиб келмоқда.

Азиза - табиат шайдоси. У мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ она табиатни асраш, атроф-муҳит экологиясини муҳофаза қилиш бўйича ўқувчи-ёшлар ўртасида ўтказилган қатор танловларда фаол иштирок этар эди. Ази-

за энди лицейда очилган «ЭКО» клубига раҳбарлик қилмоқда. Ўтган йили вилоятдаги академик лицейлар ўртасида кимё фани бўйича ўтказилган конференцияда Азизанинг «Кислород ва унинг хоссалари» мавзусидаги илмий иши махсус дипломга сазовор бўлди. У жамоат ишларидаги фаоллиги учун «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қарши шаҳар бўлимининг «Йилнинг энг фаол ўқувчиси» дипломини қўлга киритди. Яқинда Азизанинг ҳаётида яна бир қувончли воқеа

юз берди. Аъло ҳулқи, ташаббускорлиги, ўқимдаги муваффақиятлари ва илмий салоҳияти учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Азиза Алманова айни чоғда «Қашқадарё экологияси ва унга таъсир этувчи манбалар» мавзусида илмий изланиш олиб бораётди.

- Илмий ишнинг асосий мақсади Қашқадарё дарёсидаги биохилма-хиликни асраш, экологияга зарар келтирувчи омилларни таҳлил этиб, уларнинг олдини олиш бўйича самарали тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат. Илмий изланишим, интилишим этиборга олиниб, Зулфия номидаги Давлат мукофотига муносиб қўрилганимдан беҳад мамнунман, - дейди Азиза. - Юртимизда биз, ёшларга яратилаётган кенг имкониятлар, алоҳида этибор ва ғамхўрлик ҳар бири-мизни Ватан равнақига дахлдорлик ҳисси билан яшашга, куч ва ғайратимизни эл фаровонлиги йўлидаги ишларга сафарбар этишга ундайди.

А.МУХАММАДИЕВ

Киш уйқусидан кўз очган она табиат янги кунга юз тўтди. Димоққа дилини орзиқтирадиган ифтор - баҳор нафаси урилади. Кўлам шабадаси уйғотган сабзалар нафис гиламдек кўзни қувнатади. Бодрокдек гуллаган ўрик шоҳларида, қоқиғулларнинг хушбичим гўнчаларида кўлам суврати намоев. Насимлар оғушида жажжи болақайлар зумрад майсалар орасидан чучмомаларни тиради. Мусаффо осмон бағрида чарх уриб учаётган қалдирғочлар қўшиғи юракларда ажиб ҳислар уйғотади.

Борлиқдаги уйғониш, яшариш ва янгиликнинг юртимизга боқий байрам, меҳру оқибат, қўл-барака рамзи - Наврўзи олам кириб келганидан мўжза беради.

Одамлар қалбига чексиз қувонч бахш этадиган Наврўз неча минг йиллардан буюв халқимиз асраб-авайлаб, эъзозлаб келаётган гўзал қадриятларимиздан...

23 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона безатилган.

Бу ерга ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, фан, маданият, санъат, спорт намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, мухтарам отахону онахонлар, турли соҳаларда меҳнат қилаётган юртдошларимиз, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг вакиллари ташриф буюрган.

Соат 11.00. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кириб келади.

Байрам тантанасига ҳозир бўлганлар давлатимиз раҳбарини қарсақлар билан қўтиб олади.

Чорлов мусикаси янграйди. Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга берилади. Давлатимиз раҳбари халқимизни Наврўз байрами билан муборакбод этади.

Муаззам майдоннинг атрофида анвойи ранглардаги байроқчалар ҳил-пирайди. Саҳна теграсида ўрнатилган турфа гуллар жонлиб, қўёшнинг заррин нурларида жилпояланади. Бундай файзли манзаралар кўнгилларга ҳузур бахш этади.

Шундай фарахбахш дамларда она табиатда рўй бераётган яшариш, янгиликларни қалбидан ўтказаятган ҳамюртларимизнинг кўнгилда шодлик, яна бир Наврўзга, гўзал ҳаётнинг бебаҳо неъматларига эсон-омон етганимиз, элу юртимиз тинчлиги ва фаровонлиги учун шукроналик туйғулари жўш ураётди.

Фусункор майдон узра борлиқ уйғониши, Янги кунни мадҳ этувчи наво таралади. Саррин куй оғушида кўз ўнгимизда баҳорнинг ажиб манзаралари, ям-яшил қир-адирлар, гулларга бурканган водийлар, чаппар уриб гуллаган боғлар намоев бўлади.

...Саҳнага жажжи болақайлар кириб келади, майдон уларнинг шўх-шодон кулгуларига тўлади. Фарзандларимиз ижросидаги кўклами, бахтиёр болалики, мустақил юрт фарзандларининг беғубор ва қувонқ дамларини мадҳ этувчи жарангдор куй-қўшиқлар, жо-зибадор рақслар шодийна аҳлини завқлантириб юборади...

Наврўз - баркамоллик, навқиронлик ва гўзаллик фасли. Жорий йилнинг Президентимиз томонидан Баркамол авлод йили деб эълон қилиниши навқирон авлодга бекиёв шодлик, гурур ва ифтихор бағишлади.

Халқимиз азал-азалдан фарзандлар бахту иқболини кўзлаб, эзгу орзулар билан яшайди. Айни Наврўз кунларида фарзандларига атаб, уларнинг бахти ва фаровон келажагини ўйлаб ниҳол экиб, боғ яратади. Ҳар қандай

Эзгулик, бағрикенглик ва нафосат байрами

АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БОҒИДА БЎЛИБ ЎТГАН НАВРЎЗ БАЙРАМИ ТАНТАНАЛАРИДАН РЕПОРТАЖ



йилнинг хосияти баҳорнинг илк лаҳзаларидан маълум бўлганидек, биз буюк келажагимизни авваламбор ҳар жиҳатдан тўқис, қомил ва баркамол авлод тинимсиз кўралик.

Президентимиз таъкидлаганидек, ниманики ўз олдимизга мақсад қилиб қўймайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга интилайлик, барча олижаноб ҳаракатларимизнинг негизда, барча эзгу ниятларимизнинг замирида фарзандларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини қўриш, дунёда ҳеч қандай кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орузи мўжассамдир.

Мамлакатимизда истиқлолнинг илк йиллариданоқ баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Фарзандларимизни баркамол, замонавий билимларни пухта эгаллаган, иймонли-этиқодли, буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари бўлиб қамолга етишга доимий этибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда.

Ўтган 2009 йилда соғлом зурриётни дунёга келтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ўғил-қизларимизнинг замонавий билим ва тарққиёт чўққиларини эгаллаши, ўз иқтидор ва қобилиятини рўёбга чиқариш учун кенг имкониятлар яратиш, ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ таъминлаш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбарининг она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар, 2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастурига оид қарорлари бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Она ва бола скрининг хизмати йўлга қўйилгани, соғлом оналикни таъминлаш, фертил ёшдаги аёлларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш, озиқ-овқат таркибини

фойдали микроэлементлар билан бойитиш, қон хизмати хавфсизлигини таъминлаш, оилада тиббий маданиятни ошириш, репродуктив саломатлигини яхшилаш, никоҳланувчи шахсларни тиббий қўриқдан ўтказиш ишларини мунтазам йўлга қўйиш бўйича амалга оширилаётган кенг миқёсдаги ишларни қўллаб-қувватлаш соғлом фарзандлар туғилишига хизмат қилмоқда.

Ёшларда олган билим - тошга ўйилган нақшдир. Дарҳақиқат, инсон умрининг ёшлик йиллари ўқиш, изланиш, қамолот сари интилиш палласи, бахт-саодат йўлидаги энг муҳим босқич ҳисобланади. Аниқ мақсад-муддаоларни қўзлаган ҳолда тинимсиз илм ўрганиш, ижодий изланишда бўлиш ўз самарасини бериши, шубҳасиз. Юртимизда ёшларимиз учун бу борада ҳавас қилса арзигулик шарт-шароит ва имкониятлар яратилган.

Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг таркибий қисми сифатида қабул қилинган Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумий миллий дастури ўз вақтида узоқни кўзлаб бошлаган оламшумул ишларимизнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Биргина 2009 йилда мамлакатимиз бўйича жами 1957 мактаб, 214 академик лицей ва касб-хўнара коллежи қурилган ва реконструкция қилинган, улар энг замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсқилар ва ўқув-услубий воситалар билан жиҳозлангани, спорт инфратузилмасига эга бўлгани, барча мактабларимиз ҳаётига Интернет тизими кириб боргани ёшларимизнинг қамолоти йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ишларнинг ёрқин ифодасидир.

Президентимиз таъкидлаганидек, спорт ёш авлодга соғ-саломат, бардам-бақувват, ҳурфикр инсон бўлиб етишиш учун ёрдам беради. Спорт оилада, жамиятда соғлом муҳит қарор топиши учун замин бўлиб хизмат қилади. Спорт мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрўини янада ошириш, нуфузини янада юксалтириш учун имконият яратади.

2-бет

НАВРЎЗ МУБОРАК!

(Давоми.
Боши 1-бетда)

Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли узлуксиз спорт тизими - «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», Универсиада спорт мусобақалари навқирон авлодни спортга кенг жалб этиш билан бирга юртимиз байроғини халқроқ майдонларда баланд кўтарадиган спортчиларни кашф этишда фойда келтиришга қўшган аҳамият касб этаётди. Болалар спортини ривожлантириш борасида мамлакатимизда яратилган тизим ва тўпланган тажриба жаҳонда кўпчилида қизиқиш ва ҳавас уйғотмоқда.

Бу соҳада амалга оширилаётган ишларимизнинг самараси ўғил-қизларимизнинг халқаро майдонларда эришаётган муваффақиятлари мисолида ҳам намоён бўлмоқда. 2009 йилнинг сентябрь ойида Италиянинг Милан шаҳрида бокс бўйича ўтказилган XV жаҳон чемпионатида вакилларимиз битта олтин, битта кумуш, иккита бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллади. Эркин ва юнрон-рум кураши бўйича Данияда ўтган жаҳон чемпионатидан ўзбекистонлик курашчилар бир олтин, бир кумуш ва бир бронза медал билан қайтгани, каное ва байдаркада эшак эшиш бўйича Техронда ўтган Осиё чемпионатида спортчиларимиз 9 олтин, 10 кумуш, 8 бронза медални қўлга киритгани алоҳида эътирофга лойиқдир.

Спортнинг нафис тури ҳисобланган бадий гимнастика ва спорт гимнастикаси жадал ривожланмоқда. Жорий йил февраль ойида пойтахтимизда бўлиб ўтган бадий гимнастика бўйича Осиё чемпионати ва гимнастикчи қизларимиз эришган юксак натижалар бу спорт турига эътибор ва қизиқиш мамлакатимизда муттасил ошаётганидан далолатдир.

Инсоннинг руҳий-маънавий қамолоти, тафаккурининг ривожланишида санъатнинг ўрни ва аҳамияти гоят каттадир. Шу маънода, ёшларимизнинг маънавиятини юксалтириш, уларни теран тафаккур, эзгу фазилатлар соҳиб этиб тарбиялашда, қалби ва онгида она Ватанга муҳаббат, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат-эҳтиром туйғуларини мустақкам қарор топтиришда муҳим санъатнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс.

Давлатимиз раҳбарининг болалар муҳаббат ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустақамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурига оид қарори фарзандларимизнинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, уларнинг миллий ва жаҳон муҳаббат маданиятининг энг сара намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароит яратмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан қабул қилинган «Баркамол авлод йили» Давлат дастури асосида ҳаётга татбиқ этилаётган кўпламли вазифалар униб-ўсиб келаётган фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб, ҳаётга кириб боришига хизмат қилиши шубҳасиз.

Муаззам саҳнада болалик завқини суриб, барчага сурур бахш этаётган жажжи болакайлар тимсолида бугун воғга етаётган ёшларимизнинг нури, бегубор юзларига, ақл-заковати, ҳаракат ва интилишларига боқиб, уларнинг юртимизда ҳеч қачон, ҳеч қандам кам бўлмай-



Эзгулик, бағрикенглик ва нафосат байрами

диган янги ҳаёт, янги жамият қуришга қодир эканига ишончимиз ортади...

Наврўз байрами азалдан покизалик, орасталик, меҳроқибат, хайру саховат тисмоли бўлиб келган. Ота-боболаримиз бундай кунларда хонадонлар, кўча ва маҳаллаларни ораста қилганлар, етим-есир, бева-бечоралар, хастаю муҳтожларга меҳрибонлик, саховат ва муруват кўрсатишга шошилганлар, гина-кудуратлар унутилган.

Халқимиз бу йил ҳам боқий байрамимизни алоҳида тарафидан билан қўлиб олди. Баҳорнинг дастлабки кунларидан юртимизда ободонлаштириш ва қўламазорлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Умумхалқ ҳашари ташкил этилиб, маҳаллалар, кўчалар, аҳоли турар-жойлари ободонлаштирилди, ариқ-зувурлар тозаланди, зиёратгоҳ, қабристон ҳамда муқаддас қадамжолар тартибга келтирилди, мева, манзарали дараклар, гул кўчатлари ўтказилди. Табарруқ қарияларимиз, ота-оналаримизни эъзозлаш, ўзаро меҳроқибатли бўлиш, катталарга ҳурмат ва кичикларга иззат кўрсатиш, жамиятимизда ҳеч қандай эътиборсиз ва қаровсиз қолдирмаслик каби азалий фазилатларимиз ривож топмоқда.

Буюк аждодларимизнинг илмфан ва маданиятнинг қўллаб-қувватлаш ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини дунё аҳли кенг эътироф этган. Юртимизда маданий ва маънавий меросимизни, миллий қадриятларимизни янада бойитиш ва уларни умуминсоний қадриятлар билан уйғун ҳолда ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йилда азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи халқроқ миқёсда кенг нишонланди.

Халқимиз Наврўзни ҳамиша эзгу ниятлар, хурсандчилик, ўйин-кулги, яхши тилак ва ис-таклар билан қарши олган. Халқ термалари, бахшилар айтишуви, ҳазил-мутойиба, қўшиқлар, лапарлар янграган. Улоқ-қўпкари, халқ ўйинлари, пойга, кураш, мерганлик, қўчқор, хўроз уриштириш каби томошалар ўтказилган. Дорбозлар, масха-

рабозлар, қўғирчоқбозлар, полвонлар ўз санъатини намойиш этган. Сумалак, ҳалим каби хилма-хил баҳорий таомлар пиширилган.

...Фольклор ва этнографик жамоаларнинг ранг-баранг ашула ва рақслари, аскияларда, лапар, ўлан, яллаларда, полвону чавандонлар чиқишида Наврўз байрамнинг ана шу хилма-хил ва ноб қирралари намоён бўлади...

Янгилиниш - нафақат табиатга, балки жамият ҳаётига ҳам хос узвий жараён. Шу маънода, 2009-йил 27-декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайлов мамлакатимизнинг демократик ўзгаришлар, фуқароларимизнинг танлаш эркинлигини таъминлаш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида қандай улкан муваффақиятларга эришганини яна бир бор тасдиқлади.

Ушбу сайловлар сайловчиларимизнинг фаоллиги, очкиклик ва ошқоралик руҳида, миллий қонунчилик ва халқаро стандартларга тўлиқ риоя қилган ҳолда ўтганини жамоатчилигимиз, халқроқ кузатувчилар кенг эътироф этди.

Президентимиз Ислам Каримов Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўша мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, бўлиб ўтган сайловлар халқимизнинг юксак ижтимоий-сиёсий маданиятини, унинг сиёсий ва фуқаролик онг даражаси тобора ўсиб бораётганини, сайловчилар мамлакатини ислоҳ этиш ва модернизация қилиш жараёнларини чуқурлаштириш йўлидан изчил илгарилаб бораётганимизни кенг қўллаб-қувватлаётганини намоён қилди.

Тинч-осойишта юрда хурсандчилик, тўй-томоша кўпаявери-ди, ҳаловатли халққа байрам сайиллар ярашади. Юртбошимиз олиб бораётган оқилона сиёсат самарасида осмонимиз мусаффо, тинчлик-барқарорлигимиз мустаҳкам, турли миллат ва элат вакиллари ягона оила фарзандларидек аҳил ҳаёт кечирмоқда. Она Ватанимиз хав-

фсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, шу муқаддас заминимизда ҳукм сураётган тинч-осойишта ҳаётни кўз қорачигидек асраш, жондан азиз фарзандларимизни турли иллатлар ва бузғунчи ғоялардан ҳимоя қилиш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

...Саҳнада баралла янграётган мумтоз қўшиқлар, жозибали рақслар дилларни дилларга боғлайди, қалбларни фаҳрга тўлдиради. Кўз ўнгимизда Наврўзнинг инсонни ва тинчликни улуғловчи моҳияти, халқимиз маданиятининг нақадар бой ва бетакрор эканлиги янада ёрқинроқ намоён бўлади...

Тинчлик ва ҳамжихатлик ҳукмрон, фидойилик, изланиш, ташаббус ва ҳалол меҳнат кадрланган юрда кут-барақа бўлади. Бундан бугунги глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида мамлакатимизда иқтисодий барқарорлик, юксалиш суруятлари давом этаётганида ҳам кўриш мумкин. Мамлакатимизни ривожлантириш, янгилаш ва модернизация қилиш бўйича танлаган стратегиямизни ва Инқирозга қарши чоралар дастуриямизни амалга ошириш натижасида 2009 йилда Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг барқарор суруятларини таъминлаш, халқимизнинг моддий фаровонлигини юксалтиришга эришди. Ўтган йилда юртимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,1 фоизни ташкил этди.

Янги иш жойлари ташкил этиш, айниқса, ёшларни ва хотин-қизларни иш билан таъминлашга қаратилган эътибор натижасида аҳоли турмуш даражаси юксалиб бормоқда. Ўтган йили қўрилган амалий чоралар самарасида 940 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди, аҳолининг реал даромадлари 26,5 фоизга кўпайди.

Ҳа, давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий ислохотларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш борасидаги машғур беш тамойил нақадар пухта ва ҳаётийлиги яна бир бор ўз тасдиғини топди. Жаҳонда тараққиётнинг ўзбек моделига, Ўзбекистонда инқирозга қарши олиб борилаётган чоралар дастурига қизиқиш ортиб бормоқда. Бундан Президентимиз Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари» китобининг қисқа мuddатда

қўллаб хорижий тилларга таржима қилинган ва нашр этилганидан ҳам билса бўлади.

Наврўз - бунёдкорлик фасли. Юртимизда Наврўздан Наврўзгача, яъни йил давомида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Мамлакатимиз бўйича 2009 йилда жами 22 йирик ишлаб чиқариш объекти ишга туширилди. Қурилиш материаллари саноати, озиқ-овқат, енгил саноат ва бошқа тармоқларда кичик бизнес соҳасида 480 ортиқ янги корхона ташкил этилди. 217 километрли автомобиль йўли фойдаланишга топширилди, 538 километр йўл ва қўллаб-қўлланган капитал таъмирланди.

Шаҳар ва қишлоқларимизда олиб борилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишларининг суруятли вақтинча-да шошириб қўядиган даражада ҳайратланарли. Бундан хис этиш учун пойтахтимиз хуснига-хусн қўшган, халқимизнинг буюк бунёдкорлик салоҳиятини яна бир намунага айланган «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройини кўз олдимизга келтиришнинг ўзи қифоя.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилда қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартди, бу ерда замонавий архитектура талаблари асосида уй-жойлар, ижтимоий объектлар барпо этиш, қишлоқ аҳолисига муносиб турмуш шароитларини яратиб бериб борасида улкан ишлар амалга оширилди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида меъморчиликнинг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланган ҳолда ишланган намунавий лойиҳалар асосида замонавий, қулай ва шинам уй-жойлар қурилиши бошланди. Наврўз байрами нишонланаётган шу кунларда мазкур уйлارнинг дастлабкилари ўз эгаларига топширилмоқда.

Юртимизда айём кунларида янги корхоналар, ишлаб чиқариш объекти, таълим-тарбия муассасалари, спорт мажмуалари, хизмат кўрсатиш шохбачалари фойдаланишга топширилмоқда, янги бог-роғлар яратилмоқда.

...Саҳнада санъат усталари, эстрада юлдузлари, ёш хонандар ўзларининг янги куй-қўшиқларини, рақсларини тақдим этадилар...

Истиқлол йилларида миллий эстрада санъатининг сифат жиҳатдан янги ривожланиш палласига кирди. Бундай натижаларга эришишда миллий ва умумбашарий муҳаббат санъатини, жаҳон санъатининг энг яхши намуналарини ўрганиш бўйича катта имкониятлар очилган, соҳа ривожига кўрсатилган доимий эътибор, ёш истеъодларни кашф этиш учун яратилган имкониятлар муҳим аҳамият касб этади.

...Майдон узра таралган муҳаббат оҳанглари, ҳофизлар хонишда Наврўз, Ватан, жамиятимиздаги бунёдкорлик муҳияти, севи ва муҳаббат тараннум этилади...

Миллий бoғда ташкил этилган халқ ҳунармандлари кўргазмасида намоийш этилаётган маҳсулотлар бунёдкор, меҳнатсевар халқимизнинг нафис диди, сержило касб-кори, бой маданий-маънавий мероси ва юксак санъатининг ифодаси сифатида кўнгилда фахр уйғотди.

Қиру адирларда, дашту дала-ларда, кўча ва хиёбонларда дилларни эркалаб баҳор сабоси таралмоқда, борлиқни уйғотувчи Наврўз навоси янграмоқда.

Юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида Наврўз сайлалари давом этмоқда.

**ОЛИМ ТЎРАҚУЛОВ,
ЎЗА ШАҲАРХОСИ**

СУРХОНДАРЁ. ЎзМТДП Қумқўрғон туман кенгаши ҳамда туман ҳокимлиги ҳамкорлигида «Наврўз — боқий байрам» мавзусида тадбир ташкил этилди.

Тадбирни туман ҳокими Ж.Маматмўминов очди. Чинакам байрамона руҳда бўлиб ўтган тадбирда миллий урф-одатларимиз ва қадриятларимизни ўзида муҳасамлаштирган бадий чиқишлар намоийш этилди, куй-қўшиқлар куйланди.

Мазкур мавзудаги байрам тадбирлари, шунингдек, ЎзМТДП Шўрчи, Сароисё, Музробод, Узун ва Термиз туман кенгашлари томонидан ҳам ўтказилди.

ХОРАЗМ. «Элимизда, дилимизда Наврўз» мавзусидаги тадбир ЎзМТДП Хива туман кенгаши томонидан тумандаги Гиламчи МФЙда ўтказилди. Тадбирда ЎзМТДП туман кенгаши Иброҳим Қўмитаси раиси Ж.Ражабова, МФЙ раиси О.Сапаев ва маслаҳатчи Р.Собиров сўзга чиқдилар. Унда байрам дастурхони тузалиб, баҳор кўкатларидан тайёрланган таомлар, сумалак тортилди.

БУХОРО. ЎзМТДП Қорақўл туман кен-

гаши томонидан Чекирчи маҳалласида бўлиб ўтган «Наврўз муборак» тадбирида байрам дастурхони тузалиб, маҳалладаги ёш улуг отахону онахонлар, кам таъминланган оилалар фарзандлари тақдир этилди. Уларга ЎзМТДП туман кенгаши ҳамда «Сулув-2000» ишлаб чиқариш корхонасининг совғалари топширилди. Янгилиниш ва яшариш фасли бўлган баҳор ва Наврўз оҳанглари дилларга заъқ улашди.

САМАРҚАНД. Шаҳардаги «Мирсаид Барақа» маҳалласида ЎзМТДП шаҳар кенгаши, шаҳар ҳокимлиги ва «Нуроний» жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилган «Халқимизнинг улуг айёми» мавзусидаги байрам тадбирида маҳалладаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотганлар ҳамда нуруний отахон ва онахонларга тақдир этилган томонидан совғалар берилиб, хайрия ёрдамлари кўрсатилди. Тадбир давомида «Энг намунали оила» кўрик-танлови ҳам ташкил этилди.

**ДИЛНОЗА ҲАЙИТОВА,
«Milliy tiklanish» мухбири**

ЎЗМТДП ҲАЁТИ

Туризм ва экотуризм ЎЗМТДП

НИГОҲИДА

БУ БОРАДА АМАЛИЙ ИШЛАР ВА ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЛОЗИМ

**Парда ЖУМАЕВ,
«Milliy tiklanish» мухбири**

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Навоий вилояти кенгаши ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати Навоий вилояти ҳудудий бўлинмаси ҳамкорлигида халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайланган депутатлар иштирокида «Навоий вилоятида туризм ва экотуризм инфратузилмасини ривожлантириш» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда партия фаоллари, Ўзбекистон Экологик ҳаракати Навоий вилояти ҳудудий бўлинмаси ходимлари, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Навоий вилоят минтақавий ахборот-таҳлил маркази илмий ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Давра суҳбатини Ўзбекистон Экологик ҳаракати Навоий ҳудудий бўлинмаси раҳбари, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси ўринбосари, қишлоқ ҳўжалик фанлари номзоди Ўктам Ҳакимов олиб борди. Дастлаб ЎзМТДП вилоят кенгаши Иброҳим Қўмитаси раиси, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Йўлдошмурод Жўлиев сўз олиб, Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан экологик муаммоларни ҳал этишнинг қонуний асослари яратилганлиги ва бу нечоғли аҳамият касб этаётганлиги эътибор қаратди. У ўз сўзида вилоятда туризм ва экотуризм инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги долзарб масалаларга ҳам алоҳида тўхталди. Бу борада Ўзбекистон Экологик ҳаракати вилоят бўлинмаси томонидан режалаштирилган ишлар, шунингдек, бу жараёнда ЎзМТДПдан сайланган депутатлар олдида турган вазифаларни баён этди. Партиянинг вилоят кенгаши Иброҳим Қўмитаси раиси ўринбосари Анора Бомуродова сўзга чиқиб, Экоҳаракат ҳамда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳаракат дастуридаги мақсад ва вазифаларнинг муштараклиги, шунингдек, вилоятда туризм ва экотуризм инфратузилмасини ривожлантириш, фуқароларимизда Ўзбекистон табиатига, бой табиий ресурсларига нисбатан муносабатни жиҳдий ўзгарттириш, халқимизда улардан ҳозирги ва келгуси авлодлар манфаатлари йўлида оқилона фойдаланиш масъулиятини уйғотиш, экологик хавфсизлик, Орол бўйида, айниқса, экологик табиий фалокатларга дучор бўлиши мумкин бўлган минтақаларда яшовчиларнинг соғлиги ва генотипини ҳимоя қилиш борасида Экоҳаракат вакиллари, ЎзМТДПдан сайланган маҳаллий кенгаш депутатлари томонидан ҳамкорликда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар тўғрисида гапирди.

Экотуризм табиий ресурслар ва табиатга зарар етказмасдан фойда олишдир. Экотуризмнинг нима эканлигини, аввало, халқимизга тўғри тушунтириш, тарғибот-ташвиқот қилиш лозим. Бунинг учун ишни оиладан, боғчадан, мактабдан бошлаш керак. Шунингдек, экологик тарбияни яхши тушуниш ҳар бир фуқародан дунёвий англичилардан воқиф бўлиб туриши ҳам талаб этади. Ушбу фикрлар давра суҳбатиди сўзга чиққан вилоят «Жонли табиат» биологик маркази директори, биология фанлари номзоди Эшмамат Тоғев томонидан билдирилди. У Қизилқум табиий Экологик кўрик-хонаси барпо этиш ишлари ниҳонига етказилаётганлиги, бу табиий экологик марказлар туманининг Навбаҳор, Нурота, Томди, Учқудўқ туманларида истаганча топилиши мумкинлигини фактлар асосида баён этди. Шунингдек, нотиқ Навбаҳор туманидаги Учтут қадимий шахтаси ва тарихий Учтут ва унга ёндош Қирққор мон шаршараси бўйлаб экотуризмнинг янги маршрутларини очиш истиқболлари ҳақида фикр юритди.

Шунингдек, «Сармишсой» табиий археологик мажмуа музей кўрикхонаси директори Бахтиёр Темиров аждодларимизнинг бундан етти минг йил аввал Сармишсойда қолдирган тарихий излари тўғрисида қизиқарли ҳикоя қилиб берди. Навоий Давлат педагогика институти кафедра мудири, юридик фанлар номзоди Холмурод Исанов экотуризмни йўлга қўйишда қонуний асослар қандай рол ўйнаётганлиги ва бу соҳада хусусий секторнинг ўрнига тўхталди. Ўзбекистон Экологик ҳаракати Марказий Кенгаши аъзоси Гулчехра Исроилова ҳозирги замон экотуризмнинг долзарб муаммолари, туризмга жаҳон андозаларига мос сервис хизмати кўрсатиш юзасидан мулоҳазаларини билдирди.

Давра суҳбати иштирокчилари халқимизнинг бой ва бетакрор тарихий обидаларини, ўтмиш меросини туризм ва экотуризм орқали жаҳон миқёсида тарғиб қилиш Ватанимиз миллий манфаатларига жавоб беришини алоҳида таъкидлаб, бу борада ЎзМТДП ва Экоҳаракат ўз фаолиятини янада қучайтириши, муқобил лойиҳаларни илгари суриб, янги ташаббуслар билан чиқиши зарурлигига алоҳида эътибор қаратишда ҳамда бир қатор тавсиялар ишлаб чиқишида.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ БИР ҲАФТА ИЧИДА

Боқий қадриятлар

ТАДБИРЛАРДА ЎЗ АКСИНИ ТОПМОҚДА

ФАРҒОНА. ЎзМТДП Фарғона шаҳар кенгаши томонидан «Наврўз - миллий байрамимиз» мавзусида тадбир ўтказилди. Уларда замонар оша сайкал топиб, халқимиз ардоғида бўлиб келаётган Наврўз удумлари ва маросимлари, анъаналари ҳақида сўз борди.

«Ассалом Наврўз» тадбири эса ЎзМТДП вилоят кенгаши томонидан вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасида бўлиб ўтди. Тадбирда сўзга чиққан партия вилоят кенгаши аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлар депутатлари миллий қадриятла-

римиз гултожи бўлган мазкур байрам тарихи, маъно-мазмуни ва партия дастурий мақсадларида илгари сурилган вазифаларга кенг тўхталди.

Қўлуг айём шодийнасиға бағишланган яна бир тадбир ЎзМТДП Олтиариқ туман кенгаши ва Республика Маънавият тарғибот маркази туман бўлими ҳамкорлигида Файзобод ҚФЙда бўлиб ўтди. Тадбирда қишлоқ фаоллари билан биргаликда баҳорнинг шохона таоми сумалак тайёрланди. Таниқли хонандалар томонидан қўйланган дилрабо қўшиқлар, гўзал рақслар сайлга янада файз киритди.

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

ДАВРАСУҲБАТИ

Таҳлил ва ташаббус

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ПАРЛАМЕНТ ПАЛАТАЛАРИ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИДА КЎТАРИЛГАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ЎЗМТДП ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ДЕПУТАТЛАРИДАН АНА ШУ МЕЗОНГА ТАЯНИБ ИШ ОЛИБ БОРИШНИ ТАЛАБ ЭТМОҚДА.

Юртбошимиз маърузасида жамият ҳаётининг деярли барча жабҳаларидаги ўзгаришлар чуқур таҳлил қилинди. Жумладан, демократик ислохотларнинг муҳим таркибий қисми бўлган фуқаролик жамияти институтларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар моҳияти теран очиб берилиб, бу борадаги вазифалар белгиланди. Хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ва давлат қурилиши тизимидаги ҳуқуқ ҳамда ваколатларини кенгайтиришга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш масаласида парламентнинг барча аъзолари ва сиёсий партияларнинг келажакдаги вазифалари очиқ-ойдин кўрсатиб берилди. Ушбу вазифаларни муваффақиятли бажариш ЎЗМТДП ташкилотлари ва депутатларидан қандай ташаббус ва амалий саъй-ҳаракатни талаб этмоқда? Партияимиздан сайланган депутатлар ва ЎЗМТДП фаоллари иштирокида тахририятимизда бўлиб ўтган давра суҳбатида ана шу саволларга жавоб изланди.

Арслон ЭШМУРОВОВ,
ЎЗМТДП МК Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари, фракция аъзоси:



— Муҳтарам Президентимиз маърузаларини ўқиб, ўрганиш жараёнида шундай хулосага келиш мумкинки, агар ушбу маърузанинг бутун моҳиятини, шартли равишда бир нуктага, бир тизимга бирлаштирадиган бўлсак, миллий манфаатларимиз, яъни мамлакат ва халқ манфаати энг муҳим масала сифатида акс этганини кўришимиз мумкин. Бунинг эса мамлакатимизни ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олишини истовчи ва бунга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишга тайёр фуқароларни бирлаштирган ва сиёсий майдонда миллий манфаатларнинг ҳимоячиси сифатида фаолият юритишни ўзининг асосий мақсади деб билган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг кўп минг «онли вакиллари, парламентдаги фракцияси аъзолари зиммасига юклатилган масъулият деб биламиз. Масалала шу нуктаи-назардан ёндашганимизда ҳар биримизнинг олдимизда жуда катта вазифа турганлигини ҳис қилишимиз мумкин.

Фракцияимиз аъзоларининг маърузада белгиланган муҳим вазифаларни амалга оширишга бағишланган кенгайтирилган йиғилишида биринчи навбатда сайловолди Дастурида акс этган вазифаларни тўлалигича ҳаёtgа татбиқ этилиши қатъий талаб қилинди. Сайловолди Дастурида "Жиноят судлов ишларини юритишда маънавий-миллий аъзоларга мос келадиган яраштириш институтини янада ривожлантиришга қўмаклашиш" ёки "Фуқаролик ҳуқуқий низоларини суддан ташқари тартибда ҳал этиш, айниқса жамиятнинг асосий ахлоқий пойдеворларидан бири бўлган маҳалла институтини ривожлантириш ва унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш" ифода этилган. Маърузада ҳам ушбу масалаларга алоҳида эътибор қаратилиб, "Фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ва давлат қурилиши тизимидаги ҳуқуқ ҳамда ваколатларини кенгайтиришга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш масаласи устувор йўналишга айланиши зарурлиги" айтиб ўтилди.

Маҳалла нуфузини кўтариш нафақат иқтисодий, ижтимоий, балки бу — сиёсий, тарбиявий, улкан маънавий масаладир, деб таъкидладилар Юртбошимиз. Гап бевосита маҳалла ҳақида борар экан, шу ўринда алоҳида айтиб ўтишни истардимки, мазкур институтга ЎзЛиДеП тadbиркорлигини ривожлантириш объекти сифатида қарайди, ХДП маҳалланинг ижтимоийлашувига эътибор қаратади, "Адолат" СДП ижтимоий адолат ўрнатишга интилади, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси эса бошқа партиялардан фарқли ўлароқ фуқаролик жамиятининг муҳим институти ҳисобланган маҳаллага минг йиллик қадриятларимиздан бири сифатида қарайди. Халқимизнинг ўзига хос бўлган миллий қиёфаси, аҳил ва ҳамжихат бўлиб яшаш, бир-бирига меҳру оқибат кўрсатиш айнан маҳаллада шаклланади ва бундай миллий қадриятларимизга айланган асрий аъзоларимизни

сақлаш, ёш авлод онгига сингдириш, тарғиб қилиш партияимиз дастурий вазифалари сирасига қиради. Демак ҳар бир фуқаро билан ҳамнафас бўлиш ва улар билан бевосита иш олиб боришда маҳалланинг ўрни бекиёс. Глобаллашув жараёнлари шиддат билан авж олаётган бугунги ҳаётнинг ўзи биз фахрланадиган миллий аъзолар ва қадриятларимизни сақлаб қолишда маҳалланинг ролини янада оширишни тақозо этмоқда. Бу вазифалар айнан партияимиз мақсад-ғоялари билан муштарақлиги Дастурида белгиланган ушбу йўналишдаги ишларни янада кучайтиришни талаб қилади.

Президентимиз таъкидлаганидек: "Маҳалладек ноёб тизим ҳақида ортиқча гапириб ўтиришга ҳожат йўқ деб ўйлайман. Нега деганда ҳар қайси инсон, ҳар қайси хонадон ҳаётида давлат ва жамият бошқарувида, одамларнинг бошини қовуштириш, турар жойларда тартиб-интизомни мустаҳкамлашда, ўзини ўзи бошқариш тизимини жорий қилишда маҳалланинг роли, аҳамияти ва моҳияти кундан кунга ошиб бораётганини барчамиз кўриб турибмиз". Шу нуктаи-назардан олиб қараганимизда мазкур институтнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш зарурати юзага келади.

Зебо НЕЪМАТЖОНОВА,
ЎЗМТДП МК Ижроия қўмитаси девони масъул ходими:

— Ўзбек халқининг ҳаётини маҳалласиз тасаввур қилиб бўлмайди. Маҳалланинг тарихи бир неча минг йилликларга бориб тақалади. Масалан, Наршахий ўзининг "Бухоро тарихи" китобида Бухорода бундан 1100 йил илгари бир қанча маҳаллалар бўлганини қайд этиб ўтган.

Маҳаллалар қадимда фуқароларнинг касби-кори асосида шаклланган. Масалан, заргарлик, мисгарлик, пичоқчилик. Ушбу маскан маҳаллий ҳокимиятнинг ўзига хос бир шакли тарзида фаолият кўрсатган. Маҳаллани бошқариш жамоатчилик асосида олиб борилиб, ўзининг ёзилмаган ички тартиб қоидаларига эга бўлган.

Мустақилликка эришганимиздан кейин маҳалла миллий қадрият сифатида қайта тикланди ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқаришнинг миллий модели сифатида эътироф этилиб, демократия институти сифатида тан олинди. Унинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддаси ҳамда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонун билан кафолатланади.

Президентимиз фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи фаолиятига қуюнчақлик билан ёндашиб, унинг ҳуқуқий ва амалий ваколатларини кенгайтиришни кўп бор таъкидлаганлар. Жумладан, "Юксак маънавият — енгилмас куч" китобида "...биз маънавий ҳаётимизни, миллий онг ва қадриятларимиз, эътиқод ва тафаккуримиз, урф-одат ва аъзоларимизни асраб-авайлаш, маънавий оламимизни юксалтиришга интилар эканмиз, буларнинг барчаси маҳалла идорасига янада кўпроқ имконият бериш, унинг ҳуқуқий ва амалий ваколатларини кенгайтириш билан бевосита алоқадор эканини ўзимизга яхши

тасаввур қиламиз. Шу орқали биз ўзимизнинг эзгу мақсадимиз бўлмиш эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида, ҳеч шубҳасиз, улкан қадам қўйган бўламиз", деган эдилар.

Шуни алоҳида айтиш керакки, миллийликка йўғрилган урф-одатлар, қадриятларимиз айнан маҳаллада шаклланиб, ривожланган. Уларни асраб-авайлаш ва бойитиш партияимизнинг асосий фаолиятини ташкил қилади.

Маҳаллада ёшларни миллий руҳда тарбиялашнинг ўзига хос услуби мавжуд. Халқимизда «Бир болага етти қўшни отаона», деган мақол бу фикрни исботлайди. Бола гўдақлик чоғидан ижтимоий тартибга бўйсинишни ўрганади. Вояга етгач эса ҳаётда ҳам ушбу қоидалар билан ҳисоблашади. Ўз хоҳишларидан олдин жамият манфаатларини устун қўяди. Бирор бир иш қилаётганда "маҳалладагилар нима дейди", деган масъулиятни ҳис қилиб туради. Ушбу институтдаги ўзига хос тартиб-қоидалар ёшлар маънавиятида ҳимоя кўргони вазифасини ўтайди. Натижада ОИТС, гиёҳвандлик ва "оммавий маданият" каби иллатлар маҳалла ёшларидан чекинади. Шу боисдан ҳам халқимизга хос маънавий, миллий аъзолар ва қадриятларнинг ифодаси бўлган ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллаларнинг ҳуқуқий мақомини ошириш вазифаси партияимиз фаолиятида ўзига хос ўрин тутати.

Эркин КЎЧКИНОВ,
халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари:

— Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари маърузада фуқароларнинг мамлакат бошқарувидаги ролини ошириб боришни асосий ўринга қўядиган "Кучли давлатдан-кучли фуқаролик жамияти сари" дастурини амалга ошириш бўйича ишларни янада фаоллаштиришни бугун ҳаётнинг ўзи кун тартибига қўяётганлигини қатъий таъкидлаб, бошқарув идоралари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда маҳалланинг вазифаларини кенгайтириб боришга алоҳида ургу бердилар. Айтиш мумкинки, юрдошларимизнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар суръати ва сифатини холисона назорат қилиши, ютуқлар билан бирга, камчиликларни ҳам рўйи рост айтиши жамоатчилик назоратининг туб моҳиятини англатади. Худудларда жамоатчилик назоратини маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва сиёсий партиялар, уларнинг ҳудудий бўлинмалари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари амалга оширади. Шу ўринда мазкур жараёнда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва роли нечоғли аҳамиятга эга эканлиги аққол намоён бўлади.

Маърузада билдирилган фикрлар партия ташкилотлари, хусусан депутатлик гуруҳлари олдида муҳим вазифаларни қўйди. Боиси, партияимиз ўз дастурий ғоя ва мақсадларида маҳалла ва оилага жамиятда маънавий қадриятларнинг доимий таъминланишининг буюк манбаси сифатида қарайди. Чунки халқимизнинг бой ва бетакрор маданий, миллий меросига таянган ҳолда фуқароларни миллий гурур ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, кўп асрлик аъзолар ва урф-одатларни асраб қолиш, шунингдек жойларда жамоат тартибини сақлашда маҳалланинг ўрни бекиёсдир.

Мазкур вазифалар партиянинг маҳаллага кенг кириб бориши, партия ҳудудий ташкилотлари билан маҳаллалар ҳамкорлигини кучайтиришда қўринади. Бу эса аҳоли сиёсий ва ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, фуқароларни мамлакатимизда кечаётган ислохотлар жараёнига фаол жалб этишга хизмат қилади.

Миллий қонунчилигимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг қўллаб-йўналиш бўйича жамоатчилик назоратини ўтказиш имконияти кўзда тутилган. Депутатлик гуруҳлари томонидан бу ишларнинг сифатли ва тўлақонли амалга оширилиши ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш

Бугунги кунда жойларда фуқароларнинг энг долзарб муаммоларини ўз вақтида ва муваффақиятли ҳал этиш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда маҳалла тизимининг таъсири ва аҳамияти қанчалик ортиб бораётганини барчамиз яхши тушунамиз.

Маҳалланинг аҳолимиз, айниқса, ёшларимизнинг маънавий-ахлоқий тарбияси билан боғлиқ масалаларни ечиш, ижтимоий соҳанинг самарали фаолият юритишини таъминлаш, жойларда жамоат тартибини ва хавфсизлигини сақлаш борасидаги ҳиссаси тобора кучайиб бормоқда.

Ислом КАРИМОВ

йўлидаги ислохотларни жадаллаштириши шубҳасиз.

Бугунги кунда Сурхондарё вилоятида 825 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Аҳоли пунктларида одамларнинг кундалик турмуши билан боғлиқ муаммолар ҳам йўқ эмас. Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати ва гуруҳ раҳбари сифатида шуни айтишим мумкинки, бу муаммоларнинг ечимини топишда депутатлар билан МФЙ, ҚФЙ ҳамкорлиги йўлга қўйилган. Маҳаллий кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари томонидан қишлоқ йўлларини таъмирлаш, оммавий савдо уйлари, чиқиндилар тўпланадиган жойлар ҳудудининг санитария ва экологик ҳолатини яхшилаш, сувни тежаш ва дарахтларни кесишни текшириш бўйича ўтказилган жамоатчилик рейдлари, шунингдек, фуқароларнинг яшаб турган гузарларини обodonлаштириш юзасидан ташкил этилган учрашувлар, кўрик-танловлар, фестиваллар партияимиз сайловолди Дастурида белгиланган "Ўзбекистон табиати, бой табиий ресурсларига нисбатан асраб-авайлаб муносабатда бўлишни, улардан ҳозирги ва келгуси авлодлар манфаатлари йўлида оқилона фойдаланилиши таъминлаш" вазифаларининг амалий ижросидир.

ЎЗМТДП фаоллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида яна бир қатор долзарб муаммоларни ҳал этиш вазифаси ҳам турибди. Шулардан энг асосийси, Ўзбекистон Республикаси "Истеъмолчилар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонунига асосланиб, жамоатчиликни истеъмолчилик ҳуқуқларини ҳимоя қилишга кенг жалб этиш мақсадида ички истеъмол бозорида сифати паст, одамлар ҳаёти ва саломатлигига хавф туғдирадиган товарларнинг сотилишига йўл қўймаслик устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий ва истеъмолчилик маданиятини ошириш бўйича ишларни жонлантиришдир.

Шавкат ХОНИМҚУЛОВ,
ЎЗМТДП Самарқанд вилоят кенгаши аъзоси, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими бошқарув раиси:

— Юртбошимиз маърузасида маҳалланинг аҳоли, айниқса, ёшлар маънавий ахлоқий тарбияси билан боғлиқ масалаларни ечимдаги ролини янада кучайтириш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Айниқса, жорий "Баркамол авлод йили"да бу йўналишдаги ишларни ҳар томонлама кучайтириш лозим. Зеро, Президентимиз Конституцияимизнинг 17 йиллиги муносабати билан бўлган тантанали йиғилишдаги нутқидан баркамол авлоднинг шакллантиришда маҳалланинг вазифалари нималардан иборат эканлигини аққол кўрсатиб бердилар. Ана шу устувор йўналишлар асосида эндиликда амалга оширадиган ишларимизни янада аниқ белгилаб олишнинг зарур деб ҳисоблайман. Чунки бу вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши аввало, жамиятда барқарорликни таъминлашга, пировардидан эса маҳалла салоҳияти ошишига хизмат қилади.

Амалий ишларга келадиган бўлсак, партияимиз маҳаллалар билан ҳамкорликда "Юксак маънавиятли оила орқали-юксак тараққиёт сари" ижтимоий-маънавий лойиҳани амалга оширишни бошлади. Бу "Юксак маънавият — енгилмас куч" ғоясини амалга татбиқ этишга қаратилган. Партияимиз Дастурида белгиланган бир муҳим масала борки, у ҳам яна маҳаллага бориб тақалади. Бироқ унинг ечимини нафақат маҳалла фаоллари, балки ташкилот ва идора раҳбарлари, аҳоли кенг қатламларининг оқилона муносабатига боғлиқ. Бу ўринда гап аънавийи удумлар, аниқроғи, тўй-маъракаларга муносабат ҳақида бормоқда. "Кимўзгар" тўй қилиш, никоҳ сайридаги турна-қатор машиналар, оила маблағини бир кунда совириш ҳали ҳамон учраб турибди. Бундай салбий ҳолатларга тоқат қилиб бўлмайди. Тўй-маъракалардаги тежамкорлик инқирозга қарши курашининг бир бўлаги эканлигини

аҳолига тушунтиришни маҳаллаларда кучайтиришимиз лозим.

Президентимиз маърузасида баён этилган фикрлар, белгиланган вазифалар ва ўртага ташланган долзарб масалалар барчамиз учун бирдек дахлдор. Зиммамиздаги масъулият эса фаолиятимизни ана шу вазифалар асосида ташкил этишдир.

Маъруф НОРҚУЛОВ,
ЎЗМТДП МК Ижроия қўмитаси девони "Ёшлар масалалари" бўлими бошлиғи:

— Таъкидланганидек, маънан баркамол ва жисмонан соғлом авлоднинг шакллантиришда маҳалланинг ўрни бекиёсдир. Чунки ўзаро меҳр-оқибат, муруват кўрсатиш, бағрикенглик, бир-бирининг ҳолдан хабар олиш, яхши-ёмон кунларда елкадош бўлиш каби халқимизга хос бўлган гўзал фазилатлар айнан маҳалла муҳитида ёшлар онги, дунёқарашига сингиб боради ва мана шундай қадриятлар кўршовида улғайган ҳар бир инсон эса эзгуликка, яратувчанлик ва бунёдкорлик ишларига қодир бўлади. Партия "Ёшлар қаноти" ёшлар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш, уларда жамиятимиз тараққиётига тўсиқ бўлаётган турли хил ғоявий таҳдидларга қарши мафқуравий имунитетни шакллантириш, миллий, урф-одатлар, қадриятлар ва аъзоларимизни асраб-авайлаш ҳамда эъзозлаш тўйгуларини кучайтириш ва шунга яраша амалий саъй-ҳаракатлар олиб боришни мақсад қилган.

Шу ўринда бу каби дастурий вазифаларимизнинг амалий ижроси "Ёшлар қаноти" фаолиятида қай даражада акс этяпти, деган ҳақли савол туғилиши табиий. "Баркамол авлод йили" Давлат дастури ва партияимизнинг Ҳаракат дастурида белгиланган вазифалар ҳам биздан бевосита ёшлар ичига кенг кириб боришни, уларнинг мақсад-муддоалари, ўй-кечинмалари билан танишиш, қизиқишлари ва муаммоларини ўрганишни талаб этади. Шу ерда маҳалланинг ўрни нечоғли муҳимлиги кўзга ташланади. Ушбу масъулиятни теран англаган ҳолда, бу йўналишда бир қатор мақсадли чора-тадбирлар ишлаб чиқдик ва улар жорий йилнинг ўтган даври мобайнида жойларда турли тадбирлар, давра суҳбатлари ва мулоқотлар тарзида ўтказилди. Мазкур ишларда оила — маҳалла — партия ҳамкорлигига эътибор қаратилгани боис уларнинг таъсирчанлиги ошмоқда, аудиторияси кенгаймоқда. Жумладан, туркум тадбирларга ибратли умр кечираётган кекса отахону онахонлар тақлиф этилиб, уларнинг бой тажрибаси, билими ва ўғитлари ўзаро мулоқотларда ёшларга ҳаётий мисоллар оққали ҳикоя қилиб берилмоқда. Бунинг аққол исботини ЎЗМТДП Ангор туман кенгаши томонидан ўтказилган "Оила мустаҳкамлиги ва ёш авлод тарбиясида маҳалланинг ўрни" мавзусидаги тадбир мисолида кўриш мумкин. Ишонч билан айта оламизки, бу каби саъй-ҳаракатлар ёш авлодда илму ҳунар ўрганиш, сермазмун ва оқилона ҳаёт кечиртиш тушунчаларини шакллантиради.

Аммо, шу ўринда тилга олиш жоизки, баъзи ҳудудий ташкилотлар қишлоқ ёшлари ичига кириб бориш, ютуқ ва муаммоларини ўрганиш, уларни сиёсий онги ва дунёқарашини ўстириш ишларига оққалдик билан қараётгани ҳам кўзга ташланади. Бу камчиликларни бартараф этиш юзасидан ишлаб чиқилган режаларимизда қишлоқ ва маҳаллаларда ёшларнинг қизиқишларига қараб турли тўғарақлар, секциялар ва клублар очиш, уларга имкон қадар ёшларни кенг жалб этиш мўлжалланган. Бу ўз навбатида ёшларнинг иқтисодий ва интилишларини рағбатлантиришни таъминлайди.

Дастуриимизда белгиланган ушбу вазифаларнинг самарали бажарилиши ёш авлод онгига маҳалланинг миллий ўзига хослик, ўзбекона аъзолар, эзгу қадриятлар бешиги сифатидаги аҳамиятини оширади, унга ҳурмат ва эъзозни ўстиради, шу билан биргаликда маҳалланинг жамиятдаги ролини янада кучайтиришга хизмат қилади.

"Milliy tiklanish" мухбирлари Гулбахор УМУРЗОКОВА, Дилноза ҲАЙИТОВА, Абдор УМАРҚУЛОВ, ёзиб олди

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

МУАММО, ТАҲЛИЛ, ЕЧИМ

Айни пайтда ҳаёт ҳақиқати шуни кўрсатадики, ҳар қандай тараққиёт маҳсулидан икки хил мақсадда — эзгулик ва ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкин. Агарки башарият тарихини, унинг тафаккур ривожини тадрижий равишда кўздан кечирадиган бўлсак, ҳаётда инсонни камолотга, юксак марраларга чорлайдиган эзгу ғоя ва таълимотлар билан ёвуз ва зарарли ғоялар ўртасида азалдан кураш мавжуд бўлиб келганини ва бу кураш бугун ҳам давом этаётганини кўрамиз.

Ислом КАРИМОВ

Янги асрда компьютер ва интернет инсон ҳаётининг ажралмас қисмига айланди. Ушбу тизим ҳаётимизга шу даражада сингиб кетдики, ҳозир ҳоҳласак ҳам ундан айро яшаш мушкул. Айниқса, ёш авлоднинг янги технология билан «дўстлашгани» бир томондан ижобий баҳоланса, иккинчидан, андак хавотирга солади. Ҳисоб-китобларга кўра сайёрамизда «ўргимчак тўри»да ишловчилар қарийб 2 млрд.ни ташкил этмоқда, уларнинг аксарияти ёшлардан иборат.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда компьютер хизмати тобора ривожланмоқда. Кўча-кўйда тез-тез «интернет-кафе»ларга кўзимиз тушади. Аҳолининг қорига яраётган ана шундай хизмат кўрсатувчи тадбиркорлар сони кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Натижада компьютер хизматларининг сифат ва самарадорлиги ошиб, ўзаро соғлом рақобат ҳам яратилди, бироқ... айрим муаммоларни ҳам келтириб чиқаргани бор гап. Интернетнинг имкониятлари шунчалик чексизки, мурғак қалб эгалари, ёшлар онига ҳам чанг солмоқда. Тадқиқотларга кўра, бугун монитор қаршида ўтирганларнинг аксарият қисмини болалар ва ёшлар ташкил этади.

Ҳафтанинг шанба кун

Юртимизнинг барча ҳудудларида интернет клублари ташкил этилгани аҳоли, айниқса, ёшларимизнинг мазкур тизимдан фойдаланиши учун қулай шароит туғдирди. Аммо, кейинги пайтларда интернет-кафелар глобал тармоқдан маълумот олиш, матн териш, нуска кўпайтириш, фотосурат қириш каби қўллаб-қувлайликларни ўзида муҳассамлаштиргани ҳолда, айрим учар тужорлар учун мўъай даромад манбаига айланаётгани ҳам сир эмас. Мавжуд ҳолатни ўрганиш жараёнида тутунинг аччиғини мўри билади, деган ҳикматга амал қилган ҳолда, бир неча йил бурун компьютер ўйинлари «эпидемия»га чалинган ҳамюртимиз Бахтиёр Ҳақимов билан суҳбатлашдик.

«Ҳаммаси жуда жўн ва оддий ҳолатда бошланганди», дейди Б.Ҳақимов. «Дастлаб, ўқимдан бўш пайтларим ақл чарқалайди, деган ниятда футбол ўйнаб «кубик» йиғдим, «поёга» ўйнадим, кейин «сапёр» бўлиб бомба изладим, кўлимга ўқотар қуролларни олдим (компьютер ўйинида). Шу тариқа турли ўйинларга қизиқиб, баъзида тўрт-беш соат қандай ўтиб кетганини билмай қоламан. Нати-

жада тез-тез асабийлашадиган, арзи-маган нарсасига атрофдагилар билан айтишадиган одат чиқардим. Оқибатда шу даражага бордимки, ишимда унум, хонадонимда ҳаловат йўқолди. Шу тариқа интернет-кафенинг салбий жиҳатини ўзимда синаб кўрганман. Ҳозир эса фақат зарур ишларимни бажариш учунгина қираман.

Компьютер экрани қаршида ўтирган болани қузатинг, ўйин талабига биноан хотиржам туриб одамларни (ўйиндаги) отиб ташлайди. Банкни ўмаради, машинани олиб қочади, ҳуллас, ўйин нимани буюрса ўшани қилади.

Одатда ҳафтанинг шанбаси мактаб ўқувчилари учун нисбатан бўш вақти кўпроқ бўладиган кун. Балки дарс соатларининг камлиги учунми ёки мактабда ҳам «хороший день» жорий қилинганми, ҳуллас, ўқувчилар мактабдан кўра кўпроқ кўчада юришади. Буни мактаб ўқувчилари инкор этмас керак. Шу таҳминимга асосан, шанба кунларининг бирида пойтахтдаги компьютерхоналарнинг айримлари билан танишдим. Қатор терилган компьютерларнинг барчасида оддий манзара: қириш, олишув, босқинчиликка бой тасвирлар, ўз мижозига бундай салбий иллатларни иқри-чиқиргача ўргатаётган хашаки ўйинлар. Навбатда турганларнинг қачон бўшайди, қачон дея илҳақ бўлишини айтмайсизми.

Компьютердан кўзини олмай қолган 12-13 ёшли болакайни безовта қиламан.

— Нима ўйнаяпсан?

— Контер Страйк.

— Қанақа ўйин бу? Нега бунча ўртоқларинг билан уришасан?

— Энг зўрида, «любой» қурол билан бандитларни ўлдираверасиз. Шерикларим яхши ўйнамаяпти, ҳозир ютқизасан пулини тўлаймиз. Вақтига ўйнагандик.

— Исмнинг нима? Бугун дарс йўқми?

— Жасур! Дарс тугаганди, ўртоқларим билан озроқ ўйнаш учун келдик. Кейинги саволларни беришга ҳожат қолмади...

Бу ердан бўш жой топилмагач бошқасига бордим. Яна ўша ҳолат, кимдир куйиб-пишиб ўйнаяпти, бошқаси чатда гаплашиш, кино кўриш билан овора.

— Дарсдан бўш пайтлари келиб компьютер ўйнайман. Жуда қизиқман. Бошқа болалар билан жамоа



Интернет-кафелардан фойдаланиш

ОТА-ОНАЛАР ВА УСТОЗЛАРДАН КАТТА МАСЪУЛИЯТ ТАЛАБ ҚИЛАДИ

бўлиб, ГТА, Контер Страйк сингари ўйинларни кўп ўйнаймиз,- дейди «Piramida» интернет клуби мижози Акмал Расулов. — Баъзида ўйинга қизиқиб, тўрт-беш соат қандай ўтиб кетганини билмай қоламан.

Яширининг ҳолати йўқ, ҳозир аксар интернет-кафелар болалардан миннатдор. Биз кўрган интернет-кафеларда ҳам фойдаланиш мумкин. Бу борада беминнат хизмат кўрсатаётган интернет-кафелар фаолияти меъёрида эмас назаримда. Уларда мавжуд зўравонлик, ваҳшийликни ўзида муҳассамлаштирган ўйинлар бола психологиясига салбий таъсир кўрсатади, қолаверса, бундай ўйинлар замирида ёвузликни ташвиқ қилиш мақсадлари ҳам йўқ эмас. Иккинчи томондан интернет-кафеларда хоҳлаган жанрдаги кинофильмлар мавжуд. Энг ачинарлиси, ушбу картиналар устидан назорат йўқлиги кишини таажубга солади.

Мухтасар қилиб айтганда, компьютер, хусусан интернет-кафелар маънавий етуқликка хизмат қилсин. Аввало, бунга қарши боланинг ўзидан иммунитетни шакллантириш лозим. Улар наздида интернет фақат ўйин ўйнаш эмас, маълумот манбаига айлансин. Шу ўринда ота-оналардан ҳам, ўстозлардан ҳам катта масъулият талаб этилади. Талаб тушунтириш орқали бўлса фойдали.

Ғоялар кураши

Албатта ушбу мулоҳаза билан интернет мухлисларининг ҳафсаласини пир қилмоқчи эмасман. Юқорида гаплардан компьютер клубла-

ридан фойдаланмаслик керак экан, деган ҳулоса чиқмаслиги лозим. Компьютер ҳам, интернет тармоғи ҳам инсоннинг бир қанча мушқулини енгил қилади. Ундан хоҳлаганча фойдали маълумотлар олиш мумкин. Аммо, ғоялар кураши замонидан яшаётганлигимизни ҳам унутмаслигимиз лозим. Замон ва маконда турли манфаатлар тўқнашаётир. Биз истикомат қилаётган аср ахборот коммуникациялари бемисл тараққий этаётган минг йиллик саналгани учун унинг ижобий хизматларидан унумли фойдаланган ҳолда салбий жиҳатларидан сақланишимиз керак. Бунинг учун эса интернет-кафелар фаолиятини қонунлар доирасида таҳлил қилиш ёки мавжуд қонунларга ёшлар тарбияси, ҳуқуқ-тартибга салбий таъсир кўрсатадиган, менталитетимизга зид намоийшларни чеклайдиган алоҳида модда киритишни тақозо қилмоқда. Шу ўринда, ёшларни ватанпарвар, юксак маънавиятли ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялашга қўмаклашиш дастурий вазифаларидан бири сифатида эълон қилган ЎзМТДП ва унинг ташкилотлари; партиядан сайланган барча даражадаги депутатлар бу ишда алоҳида жонбозлик кўрсатиб, ҳозир бу борада амалга оширилаётган амалий ишларни янада қучайтиришлари лозим.

Камолиддин ҲОТАМОВ,
«Milliy tiklanish» мухбири

Ҳисоб-китобларга кўра интернетдан фойдаланиш учун тўловлар йилдан-йилга камаймоқда. Масалан 2004 йида халқаро тармоқда ишлаш учун соатиға ўртача 1000 сўм тўлаш талаб этилган бўлса, ҳозир ушбу хизмат баҳоси 600 сўм атрофида белгиланмоқда. Бироқ умумий даромад кўрсаткичлари билан қиёсласанда, кўрилатган фойда барибир юқори. Шубҳасиз бу кўрсаткич интернет-кафелар фаолияти билан тўлиқ мос келади.

Интернетда хитойликлар 17,9, японияликлар 13,9, жанубий корейликлар 12,7, канадаликлар 12,4, америкаликлар 11,4, россияликлар 5,7 фоиз вақтини интернет сайрига бағишлайдилар. Юқори тезликка эга интернет Япония, Хитой ва Германияда кенг тарқалган.

АНЖУМАН

Аждодларга муносиб ворислар

Тошкентда «Буюк аждодларга муносиб авлод бўлайлик» мавзюда маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Республика Маънавият тарғибот маркази, Амир Темур жамғармаси, Тошкент шаҳри маънавият ва маърифат кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир Мирзо Улугбек таваллудининг 616 йиллигига бағишланди.

Ўзида мингдан зиёд юлдузлар ҳаракатини жамлаган астрономик жаҳвал яратган Мирзо Улугбек сингари дунё аҳлини ҳайратга солган улуг мутафаккирларимиз билан ҳақли равишда фахрланасан арзийди. Мирзо Улугбекнинг умумбашарий қадриятларга қўшган ҳиссаси беқиёс бўлиб, у бугунги кунда ҳам ҳаётимизда улкан аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда истиқлол йилларида Улугбек илмий меросини ўрганиш борасида кенг қўлмали ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, аллома яшаган давр, унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида янги китоблар, илмий мақолалар, бадий асарлар ёзилмоқда.

Анжуманда Шарқ мамлакатларидаги илмий анъаналарга кўра, фалакиёт соҳасида яратилган асарлар «Зиж» деб аталган ва улар асосан ҳадвалардан иборат бўлганлиги таъкидланди. Улугбек илмий меросининг гултожи — унинг «Зиж»идир. «Зижи Улугбек», «Зижи жадиди Кўрагоний» номлари билан шўҳрат қозонган бу асар фалакиёт илмининг назарий ва амалий масалаларини қамраб олган дурдона асардир.

Дунё илм-фанига улкан ҳисса қўшган Улугбек «Зиж»и ўрта асрлардаёқ Осиё ва Европа мамлакатларига кенг қириб борган. Маълумотларга қараганда, «Зиж»нинг юзга яқин форсий ва ўн бешдан ортқ арабий нусхаси мавжуд. Европалик машҳур астроном олимлар уни лотин, француз, инглиз тилларига таржима қилган, шарҳлар битган. Тадбирда Улугбек сингари буюк аждодларимизга муносиб ворис, улар илмидан баҳраманд бўлиш ҳар бир ёш учун юксак вазифа эканлиги қайд этилди.

Сурайё МЕЛИҚУЛОВА

ҲУҚУҚ ВА БУРЧ

Никоҳ — муқаддас

ЁШЛАРДА УНГА НИСБАТАН БЎЛГАН ТУШУНЧАЛАРНИ ЯНАДА БОЙИТИШ МАҚСАДИДА ЖОЙЛАРДА ҚАТОР ТАДБИРЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Марат ИШБЕКОВ,
Навоий вилояти, адлия бошқармаси
бошлигининг ўринбосари

Оила — соғлом ва баркамол авлод камолга етадиган табарруқ маскан. Инсоннинг беғубор ва соф туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари дастлаб оила бағрида шаклланади.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, «Оила қуриш дегани фақат икки инсон ўртасидаги шахсий муносабат эмас, балки жамиятнинг асосини, айтиш мумкинки, энг муҳим бўғинини белгилайдиган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади».

Шунинг учун ҳам мамлакатимизда ёшларимизга оила қуриш нақадар масъулиятли эканини, энг аввало никоҳнинг муқаддаслигини англатиш, соғлом оилани шакллантириш, оилада юксак маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтириш учун зарур шарт-шароит яратиш, ёшларни оила қуришга тайёрлаш, оилалар мустаҳкамлиги ва манфатларини таъминлаш, соғлом фарзанд ўстириш, тарбиялаш ва вояга етказиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

ФХДЁ органлари томонидан никоҳ масаласида ёшларнинг белгиланган тартибда тиббий қўрик-

дан ўтишини таъминлаш, уларга келажакда эр-хотин ва ота-она сифатидаги ҳуқуқ ва бурчлари, никоҳ масъулияти, ҳуқуқ ва мажбуриятлари тенглиги, қон-қариндошлик муносабатларининг аҳамияти ҳақида йўл-йўриқ беришни самарали ташкил қилишга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда.

Бунда аввало оиланинг муқаддаслиги ҳамда никоҳ масъулияти бўйича турмуш қураётган ёшларнинг билим ва тушунчаларини бойитишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, оила қуриш ҳар бир инсон ҳаётида улкан ҳодиса эканлигини, бу масала шахсий, ҳусусий доирадан чиқиб, ижтимоий аҳамият касб этиши тушунтириляпти.

Чунончи, ташкил этилаётган давра суҳбатлари, семинарларда мутахассислар ёрдамида оила қуришнинг маънавий-ахлоқий, ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатлари, баълоғат ёши билан боғлиқ биологик, физиологик ўзгаришлар, қариндош-уруғчилик асосида оила қуришнинг зарарли оқибатлари батафсил тушунтирилмоқда.

Маълумки, соғлом фарзанд фа-

қат соғлом оилада туғилади. Оиланинг соғломлигини ундаги муҳит, ота-онанинг тотувлиги, бир-бирини тушуниши, қўллаб-қувватлаши, ўзаро ҳурмат-иззатни белгилаши айни ҳақиқат. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августда қабул қилинган «Никоҳланувчи шахсларни тиббий қўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 365-сонли Қарори ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Оила қуриш арафасидаги ёш йигит-қизлар бир-бирининг соғлиги ҳақида аниқ маълумотга эга бўлишини таъминлаш орқали келгусида бефаразандлик, жисмоний, руҳий ривожланишида нуқсон бўлган бола туғилишининг, ажралишларнинг камайишига, оналар ўлими ва ногирон фарзандлар туғилишининг олдини олишга эришилмоқда.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, ўтган йил давомида вилоятда никоҳга кириш учун 10399 та арiza берилган бўлса, тиббий қўриққа йўланма берилган фуқаролар сони 20 779 нафарни ташкил этди. Шундан тиббий қўрикдан ўтказилиб қайд этилган никоҳлар сони 8746 та. Никоҳларнинг 7168 таси ёш оила сифатида қайд этилган. Вазирлар Маҳкамасининг 365-сонли қарорида кўрсатилган касалик-

лар аниқланган шахслар сони 34 нафардан иборат.

ФХДЁ органлари қошида ташкил этилган «Ёш оила мактаби» томонидан 424 та ўқув машғулотли ўтказилиб, уларга 10 096 нафар ёшлар жалб қилинган. Ҳар ҳафта-нинг шанба кунда касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар талабалари иштирокида ўтказилаётган ўқув дарсларида фаол иштирокчиларга сертификатлар берилиши ҳам эришилмоқда. Бу борадаги тарғибот ишларини кенгайтириш, аҳолининг барча қатламларига етиб боришини таъминлаш мақсадида оммавий ахборот воситаларида 117 марта чиқиш қилинган.

Бундан ташқари, вилоятда фаолият кўрсатаётган ФХДЁ органлари томонидан қишлоқ жойларида 2009 йил давомида жами 216 та никоҳ тўйлари сайёр тартибда пуллик хизмат тўлови-сиз ўтказилди.

Шунингдек, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва вилоят «Маҳалла» жамғармаси билан ҳамкорликда жойларда эрта ва шаърий никоҳларнинг олдини олиш мақсадида чекка ҳудудларга режалли равишда чиқишлар ташкил этилиб, никоҳдан ўтмаган оилалар сони аниқланиб, уларнинг никоҳлари ФХДЁ бўлими томонидан қайд этилишига эришилмоқда. Вилоят адлия бошқармаси томонидан ўтган йил давомида 180 та оила фақат шаърий никоҳдан ўтиб яшаётгани аниқланиб, уларнинг қонуний никоҳлари қайд этилишига эришилди.

Ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом оиланинг вужудга келиши миллат тақдирига дахлдор масаладир. Модомики шундай экан, бу борада амалга оширилаётган хайрли ишларни изчил давом эттиришга барчамиз масъулмиз.

ҚИНФИР ИШНИНГ ҚИЙИГИ

Қароқчи

«тадбиркор»лар

Санъат ва саноат тушунчалари уйғунлашиб кетаётган бугунги кунимизда деярли ҳар куни бирон янги фильмнинг тақдироти, концертлар афишасига кўзимиз тушади. Гарчи уларнинг барчасига бирдек бора олмасак-да, экран орқали кўриш имкони борлигидан хотиржам тортамыз. Эндигина тандирдан узилган нондек янги маҳсулотларнинг ўта қисқа муддатларда электрон нусхаларда ёйилишини эса ривожланаётган ахборот технологиялари замонига тақаб қўямиз! Аслида-чи?

Мўмай даромад илинжида турли фильмлар, концертлар, клиплар ва бошқа материалларни яширин равишда қўлай-тириб, пуллаётган ва божхона сарҳадлари орқали ноқонуний олиб ўтишга уринаётган сохта «тадбиркор»лар эса муаллифлар ҳуқуқларини қўпол равишда бузиб, уларга жиддий зарар етказишаётгани ҳақида ўйлашни исташмайди. Шунини айтсалар керак-да, «Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир», деб.

Республикамиз божхоначилари бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда бу турдаги қонунбузарликларнинг олдини олишда фаол иштирок этишмоқда. Жумладан, Афғонистон фуқароси А.Фрузон 105 дона CD ва DVD форматдаги дискларни яширинча олиб ўтаётган чоғида сурхондарёлик божхоначилар томонидан тегишли ҳужжатлари бўлмаган, турли кино ва концертлар ёзилган мазкур дисклар ўз вақтида тўхтатиб қолинди.

«Тошкент-Бухоро» йўналишидаги автобусни божхона назоратидан ўтказган самарқандлик божхоначилар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари йўловчилардан бири С.Баротовнинг ноқонуний равишда олиб кетаётган товарлари қаторида 3 хилдаги 175 дона дискларни ҳам мусодара қилишди. Навоийлик божхоначилар эса тадбирлар давомида фуқаро А.Юсуповни турли фильмлар ёзилган ва тегишли ҳужжатлари бўлмаган 200 дона DVD форматдаги дискларни пуллаётган пайтида фош этишди. Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ходимлари фуқаро Н.Мадияровнинг қилмишларига нуқта қўйишди. Қонунбузар турли кино ва концертлар ёзилган 546 дона дискларга тегишли бирорта ҳам ҳужжатни тақдим қила олмади. Шунингдек, иқтисодий хавфсизлик химоячилари фильмлар, концертлар, клиплар ва бошқа материалларни қўпайтиришда асқотадиган техникаларнинг ноқонуний олиб ўтилишига қарши чора-тадбирларни ҳам олиб боришмоқда.

Сурхондарё вилояти божхоначилари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбир давомида республикамиз ҳудудидан транзит тариқасида ўтаётган «Мерседес-Бенц» русумли юк автомашинаси белгиланган тартибда божхона назоратидан ўтказилди. Натижада, контейнерда божхона юк баённомаларида қайд этилмаган салкам 3,5 млн. сўмлик товарлар, шу жумладан, компьютер тўплами, 7 дона видеокамера, 45 дона фотоаппарат ва 1 дона DVD плеери яширинча олиб ўтилатганлиги маълум бўлди.

Жиззахлик божхоначилар ҳам ноқонуний олиб ўтилатган DVD плеерларининг йирик туркумини тўхтатиб қолишди. Фаллаорол тумани ҳудудида «Сетро» русумли автобус божхона назоратидан ўтказилганда, йўловчи Н.Юсуповнинг қиймати 4 млн. сўмдан ортқ 114 дона DVD плеерларини тегишли ҳужжатларсиз яширин равишда олиб кетаётганлиги фош этилди.

Хусен ТАНҒРИЕВ,
Давлат Божхона қўмитаси
Матбуот хизмати инспектори

МАЪНАВИЯТ

ИЗХОР



Яна келди, юртимга баҳор!

Алишер РАҲМОНОВ,
«Milliy tiklanish» мухбири

Халқимизда ҳамал ойида қилгин амал, деган нақл бор. Бу фаслда биринчи бўлиб қилинадиган ишлар кўчат ўтказишдир. Термиз шаҳрининг бир қатор кўчалари ҳибоблари ободонлаштирилди. Корхоналар, муассаса ва ташкилотлардан бошлаб маҳалла фуқаролар йиғинларигача Наврўз байрами шоду хуррамлик билан давом этмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда партия-

нинг шаҳар ва туман кенгашлари Ижроия қўмиталари ҳам Наврўз байрами муносабати билан якка-ёлғизлар, ногиронлар, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиб, совға-салом улашмоқдалар, байрам табдилларини ўтказмоқдалар. Айниқса, олис, тоғли Бойсун туманида Наврўз ўзгача қарши олинади.

Бойсун ўзининг бетакрор табиати, санъаткорлар юрти эканлиги билан ажралиб туради. Бойсунда халқ оғзаки ижоди анъаналари, номоддий ва оғзаки дурдоналар ранг-баранг ва кенг сайқал топган. Баҳор келиши, табиатнинг уйғониши, қишқирларнинг

да турли-туман гулларнинг очилиши билан Бойсун элига хос сайллар уюштирилади. Булар «Бойчечак сайли», «Сумалак сайли», «Чучмома сайли»лари бўлиб, сайлга чиққанлар кўпчилиги бўлишиб, «Бойчечак» терганларидан завқланиб, талашиб, суюнчи олишиб кўшиқ куйлашган:

Бойчечак баҳор келса очилади,

Яхшиларнинг бошидан сочилади.

Ихлос билан бойчечакни суртса кўзга,

Юзга кирган момолар ҳам ёшаради.

ЯНГИЛУФАТ

70 000 сўз

ЮРТИМИЗДА ИЛК
МАРОТАБА КАТТА
ХАЖМДАГИ ИККИ
ТИЛЛИК «ИНГЛИЗЧА-
ЎЗБЕКЧА ВА ЎЗБЕКЧА-
ИНГЛИЗЧА ЛУФАТ»
НАШРДАН ЧИҚДИ

Боқижон ТЎХЛИЕВ,
Низомий номидаги Тошкент
Давлат педагогика университети
профессори, филология
фанлари доктори

Давлатимиз мустақилликка эришгандан сўнг мамлакатимизда таълим-тарбия соҳаси ислоҳ қилинмоқда. Кўплаб соҳадаги мутахассисларимиз турли ривожланган давлатларга бориб малакаларини ошириб келиб, давлатимизнинг ривожига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар, шунингдек, ёшларимиз ҳам жаҳоннинг нуфузли олийгоҳларида таълим олишмоқда. Ушбу жараёни янада ривожлантириш учун таълим-тарбия муассасаларида хорижий тилларни, айниқса инглиз тили ўқитишни ривожлантиришнинг аҳамияти катта.

Мутахассислар Ш.Бўтаев ва М.Ирискуловнинг «Инглизча ўзбекча ва ўзбекча-инглизча» катта ҳажмдаги икки тиллик луғати мамлакатимизда биринчи марта тузилмоқда. Бундай ҳажмдаги катта луғатни тузиш мураккаб иш бўлиб, у катта меҳнатдан ташқари кучли ирода, сабр-тоқат ва чуқур лексикографик билимни талаб қилади.

Луғат жами 70 000 сўз ва иборани ўз ичига олади. Луғат тузиш жараёнида тузувчилар ижтимоий-сиёсий, илмий, техникавий, илмий-оммабоп асарлар, турли хилдаги дарслик ва буклетлар ва матбуот материаллари таянганлар. Луғат яхши тузилган, ундаги сўзларни топиш жуда қулай, ҳамда транскрипция билан таъминланган.

Тузувчилар республикамиз ҳаётининг барча соҳаларида юз бераётган катта ўзгаришлар, ривожланган кўп мамлакатлар билан алоқаларнинг тобора кучайиб бораётгани, ўзбек ва инглиз тили лексикаларининг ривожланаётгани ва бошқа шу каби омилларни ҳисобга олган ҳолда давр ва лексикографиянинг янги талабларига жавоб бера оладиган тарзда яратилган бўлиб, уни ҳозирги кунда чет элларда чиқаётган икки тили луғатлар қаторига қўйса арзийди.

Луғат ҳозирги замон инглиз ва ўзбек тилларидаги кенг истеъмолдаги сўз бойликларини тўплаш ва уларнинг маъноларини ёритиб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бу луғат мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари, олий ўқув юр்தларининг талабалари, аспирантлар, инглиз тили ўқитувчилари ва бошқа инглиз тили билан шуғулланадиган кишилар учун мўлжалланган.

КЎРГАЗМА

Наманганлик Саида Халитова болалигидан ўзи кўғирчоқ ясаб ўйнаган бўлса, эндиликда, миллий кўғирчоқлар устаси, миллий рухдаги турли образли кўғирчоқлар тайёрлаш билан шуғулланади. Кўғирчоқларнинг ҳар бирининг кўринишидан, номини, қайси эртақ ёки тарихий қаҳрамон эканлигини билиб олса бўлади. Мисол учун Сарой Мулкхоним, вазир ва жангчи, ҳожи она, келин ва куёв, дуторчи, раққоса каби бир қанча кўғирчоқлар билан бирга ўзбек хонадонини турмуш тарзини кўрсатиб берадиган оилали кўғирчоқлар жамланмиси ҳам бор.

Дилфуза РЎЗИЕВА,
«Milliy tiklanish» мухбири

- Биз ясаган кўғирчоқлар болажонларга меҳр тафтини беради, улар ғарбнинг истараси совуқ Барбиладан фарқ қилади. Бу кўғирчоқларнинг яна бир муҳим томони уларни ўйнаган бола миллий рухда тарбия топади, - дейди Саида опа. - Биз ҳар бир кўғирчоқни муҳаббат билан, қалб кўри билан ясаймиз. Ишларимизда миллий матолардан, табиий буюмлардан фойдаланамиз, шунинг учун ҳам кўғирчоқларимиз болажонларимизга маъқул бўляпти.

Айни пайтда қаҳрамонимиз Саида Халитованинг миллий рух ва тусдаги кўғирчоқларини пойтахтимизда ташкил этилган хунармандлар кўرғазмасида кўришингиз мумкин. Бу ерда республикамизнинг барча ҳудудларидан келган хунармандлар қўл меҳнати билан тайёрланган асарларни намойиш этишмоқда, кўрғазмага ташриф буюрган меҳмонлар ўзларига ёққан буюмни бемалол сотиб олиш имконига эга бўлишди. Айниқса улар орасида атласу адрас либосида, чамандагул дўптию, белини ўраган қирқ кокили, кош-қўзи популдек миллий кўғирчоқлар ўзига жалб қилади. Сабаби оддий: улар қиёфасида бизга таниш, ўхшаш чехралар акс этган. Кўрғазмага ташриф буюрган онахоннинг набираларига атаб, тур-

Кўли гулдир ўзбек аёлин...

УШБУ КЎРГАЗМАДА ХУНАРМАНДЛАР
ЎЗЛАРИ ЯСАГАН МИЛЛИЙ РУХДАГИ
КЎҒИРЧОҚЛАРНИ НАМОЙИШ ҚИЛДИЛАР



ли кўғирчоқлар харид қилгандан нафақат болажонларда, балки буви-ларимизда ҳам катта қизиқиш уйғотганини сездик.

Яна бир хунарманд Ўринбой Ибрагимов соҳаси актёр бўлишига қарамай, бўш вақтларида, кўғирчоқлар ясаб билан шуғулланади. Уста ўз таассуротларини хайрат билан таъкидлайди.

- Ишонсангиз, кўрғазмада 22-23 ёшли қиз 5 та кўғирчоқни сотиб олди. Шунда мен ундан "Буларни нима қиласиз?" деб сўрасам, «Инглиз тили ўқитувчиси, дарсини қизиқарили ва ўтаётган мавзун ўқувчиларим хотирасида қолишга ҳаракат қилаётган турли хил ўйинчоқлар шаклидаги гоёвий салбий таъсирларга қарши «Баркамол авлод йили»да фарзандларимизнинг онгу шуурини эгаллашга ҳаракат қилаётган турли хил ўйинчоқлар шаклидаги гоёвий салбий таъсирларга қарши «Баркамол авлод йили»да фарзандларимизни маънавий юксалтириш, уларни қадриятларимизга садоқат руҳида улғайтириш гоёси мусажжамлашгандир. Демак, қизиқиш ошган, имкониятлар кўпайган бу каби табдилларнинг иштирокчилари сафи келгусида тобора кенгайиб бориши шубҳасиз.

Мана шундай «қўлигул» хунармандларни бир жойга жамлаб, ўзаро тажриба алмашишлари, фаолиятларини ривожлантиришига имкон яратган табдир ташкилотчиларидан бири, Хунарманд уюшмаси бўлими бошлиғи Розия Шарипова шундай дейди: - «Кўли гулдир ўзбек аёлин...» деб номланган табдиримизда турли миллий хунармандчиликка бўлган эътибор билан бир қаторда, «миллий кўғирчоқ» намоиши ҳам ташкил этилди. Сабаби, информაციон хуружлар ва ахборот даврида шиддат билан ҳаётимизга кириб келаятган, ёш ва навнихол фарзандларимизнинг онгу шуурини эгаллашга ҳаракат қилаётган турли хил ўйинчоқлар шаклидаги гоёвий салбий таъсирларга қарши «Баркамол авлод йили»да фарзандларимизни маънавий юксалтириш, уларни қадриятларимизга садоқат руҳида улғайтириш гоёси мусажжамлашгандир. Демак, қизиқиш ошган, имкониятлар кўпайган бу каби табдилларнинг иштирокчилари сафи келгусида тобора кенгайиб бориши шубҳасиз.

ТАДҚИҚОТ

Очиғи, журналистлар орасида Бойбўта Дўстқораевни танимаган, унинг қўлида таҳсил олмаганлар кам топилса керак. Чунки Бойбўта домла умрининг 40 йилдан ортиғини журналист кадрларни тайёрлашга сарфлаган ва ҳозир ҳам шу соҳада фаолият олиб бормоқда.

Миллий матбуот тарихи

Назира ТОШПҲАТОВА,
филология фанлари номзоди, доцент,
ЎзДЖТУ «Жаҳон журналистикаси назарияси, амалиёти ва тарихи» кафедраси мудири

Яқинда домланинг Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёт уйи томонидан «Ўзбекистон журналистикаси тарихи» дарслиги нашр этилди. Бойбўта Дўстқораевнинг матбуотимиз тарихи ҳақидаги қизиқарли ҳикояларини, ҳали ҳеч ким айтмаган, ҳеч қачонда ёзилмаган янги маълумотларга бой маърузаларини тинглаган, илмий-оммабоп мақолаларини ўқиганлар борки, бу китобни анча аввалроқ қуттишган эди. Домла дарслик яратишни режалаштирганига қарамай, уни шомашошарлик билан амалга оширмади. Натижада, ўзбек журналистикаси тарихида мукаммал тадқиқотни яратди. Балки мукамал деганимиз бир оз бўрттириш, муболага бўлиб кўриниши мумкин. Аммо бу соҳани яхши билган, айниқса миллий матбуотимиз тарихига қизиққан, у билан яқиндан танишганлар, жилла курса шу пайтгача бу соҳада яратилган илмий асарлар, ўқув қўлланмалар, дарсликлари ва раққослар ўқувчи фикримизнинг тўғри эканлигини тасдиқлашади, деб ўйлаймиз.

Мамлакатимиз мустақиллигидан кейин ўзбек журналистикаси тарихи миллий ўзликни англаш мезонлари асосида қайта ўрганишга киришилди. Унда тарихий ҳақиқатларни ҳолис ёритиш ва миллий озоодлик учун курашган аждодларимизнинг хизматларини муносиб баҳолаш муҳим масалалардан эди.

Бойбўта Дўстқораевнинг «Ўзбекистон журналистикаси тарихи» дарслигида Ўзбекистоннинг 120 йилдан зиёд тарихи ва шунча давр олдин пайдо бўлган дастлабки газеталардан тортиб то ҳозирги миллий ОАВнинг мураккаб ва кўп тармоқли тизимини тадқиқ этишни ўз ичига олади. Б.Дўстқораев ҳар бир мавзунини муайян режа асосида бериш билан бирга, аниқ қўйилган илмий масалага таяниб ёзади. Муаллифнинг ушбу асари бошқа манбалардан фарқ қилади. Аввало, китоб илк марта асл манбалар асосида яратилгани учун уни дарслик-тадқиқот дейиш мумкин. Айниқса, унда матбуот тарихи билан боғлиқ бирор-бир воқеалик, манба ёки матбуотга алоқадор бўлган шахс эътибордан четда қолмаган. Дарсликнинг сўзбошида муаллиф ушбу соҳада яратилган дарслик, ўқув қўлланма ва илмий мақолаларга ҳолис баҳо бериш орқали, уларнинг тарихий сўзбошидаги, миллий матбуотнинг ютуқ ва камчиликларини кўрсатиб берган. Шу пайтгача миллий журналистикамиз тарихида Бухоро матбуоти умуман ёритилмаганди. Шу боис Бухоро матбуоти ҳақидаги тасаввурларимиз анча савё эди. Дарсликда XX асрнинг бошларида Бухородаги ижтимоий-сиёсий аҳвол ва бу ерда чоп этилган «Бухорои шариф», «Турон» сингари миллий газеталар ҳақида муфассал ҳикоя қилинади. Шунингдек, чор Россияси мустабид тузумининг наشري «Туркистон вилоятининг газети» билан миллий матбуот орасидаги мафқуравий кураш масалаларига эътибор қаратилган. Унда XX аср бошларида эълон қилинган мақолаларда эълон қилинган мақолаларига эътибор қаратилган. Унда XX аср бошларида эълон қилинган мақолаларига эътибор қаратилган. Унда XX аср бошларида эълон қилинган мақолаларига эътибор қаратилган.

Дарсликда ўша даврдаги газета ва журналларда чоп этилган мақолалардан иқтибослар ва катта-катта парчаларнинг берилиши бизнинг назаримизда ортиқчадай бўлиб кўринганди. Чунки Бойбўта домланинг бериб борган шарҳлари бунга ҳожат қолдирмайди, деб ўйлагандик. Аммо китобнинг сўзбошида «муаллиф мазкур дарсликни замонавий тенденцияга амал қилган ҳолда яратишга уринди: фойдаланувчилар у ёки бу масалада ўзлари мустақил фикрга келишлари, шунингдек ҳолислик принципи талаблари устувор бўлиши учун матнлар кўпроқ келтирилди» деган изоҳдан сўнг бунга табиий қабул қилдик. Қолаверса, жаҳон журналистикаси тажрибасида ҳам асосий эътибор назариянинг амалий мисоллар билан ишлатилиши муҳим мезон сифатида белгиланган. Шунга қарамай баъзи ўринларда фактлар ҳаддан зиёд кўп берилиши ўқувчини чалғитса, айрим манбаларда такрорлар кўп учрайди.

Филология фанлари номзоди, доцент Б.Дўстқораевнинг тинимсиз ва узоқ изланишлари маҳсули сифатида яратилган «Ўзбекистон журналистикаси тарихи» дарслиги ҳар томонлама пишиқ, илмий жиҳатдан асосланган фундаментал тадқиқот бўлиб, журналистика соҳасида таълим олаётган талабалар, шунингдек кенг жамоатчиликка миллий матбуотимиз тарихи ҳақида батафсил маълумот берувчи манба сифатида миллий журналистикамиз тараққиётига муносиб хизмат қилади.

ЖАРАЁН

ТАЪЛИМ

Ҳамжиҳатлик

МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ БЎЛМОҚДА



Ориф **ХОЛИКУЛОВ**,
«Milliy tiklanish» мухбири

Ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, билим бериш, касб-хунар

ўргатиш мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар

нинг бош мақсади ҳисобланади. Самарқанд шаҳридаги Сўзангарон тиббиёт коллежи бугунги кунда 1290 нафар талабани ўз бағрига олган. Мазкур коллеж 2008 йилда

ташқил этилган бўлиб, ёшларнинг билим олишлари учун барча шароитлар яратилган. Аввало коллежнинг янгича қиёфада қад ростлаган муҳташам биноси шаҳар ҳуснига ҳусн бўлиб қўшилди.

Коллежизмининг ташқил этилганига эндигина иккинчи йил кетаётган бўлса-да, ишларимиз кўнгилдагидек жонланиб кетди, - дейди коллеж директори Толиб Аллаёров. - Тиббиётдан хабардор бўлиш ҳар бир киши учун зарур, албатта. Бу ҳаётда жуда кўп асқотадди. Ер юзининг сайқали саналган Самарқандда тиббиёт ҳам ривож топган. Эндиликда ўйлайманки биз ҳам ҳеч қандай билим масканидан қолишмайдиган шарт-шароитга эгамиз. Талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, спорт турлари билан шуғулланишлари учун ҳам кенг имкониятлар мавжуд. Дастлабки кунларданок бу ерда «Камолот» ЁИХнинг бошланғич ташкилоти тузилган эди. Ташкилот бугунги кунда талабалар билан муносиб ишлар олиб бораёпти. Талабаларнинг дарс жараёнидаги иштирок этишларидан тортиб, спорт ҳамда бошқа тадбирлардаги фаолликлариғача ташкилот аъзоларининг кузатувида бўлади. Ҳаракат фаолларининг ташаббуслари билан тез-тез қизиқарли тадбирлар, мусобақалар ўтказилиб

турилади. Бу ишларга нафақат талабалар, балки ўқитувчилар жамоаси ҳам ўз ҳиссаларини қўшишади. Зеро, ҳамма жойда ишларнинг самарали бориши ҳамжиҳатликка боғлиқ. Ҳамжиҳатликнинг натижаси ўлароқ ушбу коллеж ҳар жиҳатдан вилоятдаги ўқув юртлари орасида муносиб ўрин тута бошлади. 215-гуруҳ ўқувчиси Дилрабо Гулямова енгил атлетика бўйича ўтказилган республика мусобақасида 1-ўринни эгаллади. Кураш бўйича Николай Апопьян хотираси учун ўтказилган вилоят мусобақасида коллеж жамоаси 2-ўринни кўлга киритди. 261-гуруҳ ўқувчиси Наргиза Давронова тарих фанидан фан олимпиадасида 2-ўрин соҳиби бўлди. Вилоят ҳокимлиги ўрта-махсус касб-хунар таълими бошқармаси ҳамда «Зарафшон» газетаси томонидан ўтказилган «Трансмилий жиноятчиликка қаршимиз» мавзусидаги кўрик-танловда коллеж ўқувчиси Гулзира Тошпўлатова бирданига иккита номинация бўйича 2-ўринни эгаллади. «Камолот» ЁИХ шаҳар кенгаши томонидан ташқил этилган «Кувноқлар ва зукколар» кўрик-танловида коллежнинг «Сўзангароннинг супер сардорлари» жамоаси финал иштирокчиси бўлди ва энг яхши актёрлик номинацияси бўйича диплом билан тақдирланди.

КОГОН ТУМАНИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ

Ўзбекистон халқини юртимизда кезиб юрган Наврўзи олам билан муборакбод этади.



Барқут кийиб безанди боғлар,
Саҳролар кўксига тақди қизғалдоқ.
Қуёш этагига оқ булут боғлаб,
Ўрик шохларида қовурди бодроқ.

БУНЁДКОРЛИК

Самарқандга икки ярим соатда етказилади

Анорбой **НОРКУЛОВ**,
«Milliy tiklanish» мухбири

Ҳукуматимиз томонидан темирйўл транспорт тизимини ривожлантириш ва модернизация қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Аср қурилиши деб ном олган «Тошғузур-Бойсун», «Навоий-Учкудук», «Султон Увайс тоғ-Нукус» темирйўл линияларида олиб борилган бунёдкорлик ишлари бунга яққол мисолдир. Мамлакатимизда темирйўлларни электрлаштириш, темирйўл локомотивлар парки ва ҳаракатдаги таркибни янгилаш бўйича лойиҳалар ҳам амалга оширилмоқда. 2010 йилда темирйўл тизимини модернизация қилиш учун 105 миллион доллардан зиёд маблағ йўналтириш мўлжалланган. Жумладан, «Тошғузур-Бойсун-Қумқўрғон» темирйўл линияси ва шу йўналишдаги инфратузилма объектларида қурилиш ишларини ниҳоясига етказиш «Янгиер-Жиззах» ва «Янгиер-Фарҳод» электрлаштирилган темирйўл линиялари қурилиши давом эттирилди.

Айни кунларда «Янгиер-Жиззах», «Янгиер-Фарҳод» темирйўл линиясида қурилиш ишлари қизгин бораёпти. Узунлиги 150 километрдан ошиқ бу янги темирйўл тармоғида энг юқори малакага эга тажрибали йўл қурувчилари иштирок этмоқдалар. Янги темирйўл фойдаланишга топширилгач, пойтахтдан поезд орқали мамлакатимизнинг жанубий ва шимолий вилоятларига йўл олган йўловчиларга катта қулайликлар яратилади. Яъни, тезкор поезд қатнови йўлга қўйилади.

Жорий йилда Испаниядан иккита тезкор поезд сотиб олиш ҳам кўзда тутилган. Бу поездлар «Тошкент-Самарқанд» йўналиши бўйича мунтазам равишда қатнайди ва натижада оралик масофа қисқариб, Тошкентдан Самарқандга йўл олган поезд атиги икки ярим соатда мазилга етади.

Мутахассисларнинг фикрича, Янгиер темирйўл тизимининг бунёд этилиши мазкур шаҳар аҳолиси учун ҳам катта қулайлик яратди. Инфратузилма ривожланиб темирйўллар атрофида темирйўлчилар учун янги турар-жой бинолари ва турли маданий маиший ва сервис хизмати кўрсатиш шаҳобчалари барпо этиляпти.

Янги темирйўл қурилиши шахримиз аҳолисига катта қулайлик яратмоқда, - дейди қувонч билан Янгиер шаҳрида яшовчи Омон Файзиев. - Негаки, бунёдкорлик ишлари туфайли шахримиз чиройига чирой қўйилди. Энг муҳими, янгидан-янги объектлар фойдаланишга топширилади ва кўлаб ҳамшаҳарларимиз доимий иш ўринларига эга бўладилар.

“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” ОАЖ БУХОРО ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини эзгулик ва нафосат айёми - Наврўзи олам билан самимий муборакбод этади. Шокрик ва гўзаллик фасли - баҳор Ватанимизга тўқин-соқинлик, қут-барақа, юрдошларимизга бахт-омад, қувончу шодлик олиб келсин!



АЙЁМНИНГ ГЎЗЛИК БЎЛДИ

ИСЛОХОТ ВАСАМАРА

Мамлакатимизда мустақилликка эришилган дастлабки кунларданок таълимга устувор соҳа сифатида қараб келинмоқда. Ўтган 18 йилда туманимиз халқ таълими тизимида ислохотлар амалга оширилган. Сир эмас, туманимизда ҳам 60-70 йиллик авария ҳолатидаги мактаблар бор эди. Бугун улар ўрнида қад ростлаган кўп қаватли муҳташам биноларни қуриб, баҳри дилнингиз очилади. Айни пайтда туман ХТБга қарашли 67 та мактабнинг барчаси реконструкция қилиниб, капитал таъмирдан чиқарилди. Уларда айни пайтда 3376 нафар ўқитувчи ўқувчиларга фан сирларини ўргатишяпти.

Ёш авлод камолоти УНГА МУСТАҲҚАМ ПОЙДЕВОР ҚЎЙИЛМОҚДА

Уларнинг 206 нафари олий, 1007 нафари биринчи тоифага эгалар. Бундан ташқари 1 та мактаб-боғча, 60 та мактабгача таълим, 8 та мактабдан ташқари таълим-тарбия муассасаси ишлаб турибди. Мактабларда олиб борилган таълим-тарбия жараёни ҳам талаб даражасида. Тумандаги 33-умумий ўрта таълим мактаби она тили ва адабиёт фанидан таянч мактаби ҳисобланади. Бу ерда янги педагогик технология асосида дарс ўтиш бўйича семинарлар ташқил қилиш, илғор педагогларнинг иш тажрибаларини ўрганиш, иқтидорли ўқитувчилар билан ишлаш, тавсиялар ишлаб чиқиш, инновация усулларини дарс жараёнида татбиқ этиш, ёш мутахассислар билан ишлаш каби масалалар қўйилган. Мактабда она тили ва адабиёти фанидан услубий хона ташқил қилинган. Хона услубий қўлланмалар, ноанъанавий дарс ишланмалари,

кўргазмалар қўроллар билан жиҳозланган.

Туман халқ таълими бўлимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини бойитиш, ўқувчилар билим савиясини ошириш мақсадида ҳафтанинг ҳар жумаси «Маънавият куни» деб қабул қилинган. Бу кунда маънавий-маърифий ўқувлар, тадбирлар, семинарлар ташқил этилмоқда. Хусусан, «Фаровон ва бахтли келажак бизнинг қўлимизда», «Қайнона-келин муносабатлари», «Иқбол», «Қизлар давраси», «Ўзбегим ўғлонлари», «Шунқорлар», «Бегойимлар», «Зулфияхоним қизлари» тадбирлари, умумхалқ ва миллий байрамлари, соғлом турмуш тарзи, комил инсонни тарбиялаш гоилари татбиқ этилмоқда. Бу борада олиб бораётган ишларимиз ўз натижасини бермоқда. «Йил тарбиячиси» кўрик-танловида 64-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Гулсара Сапарова «Тарбиячи-2009» танловининг республика босқичида 1-ўринни эгаллади ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Халқ таълими аълочиси» кўрак нишони билан тақдирлангани барчамизни қувонтирди. Шунингдек, «Бола ҳуқуқлари деғанда нимани тушунамиз?» маърузасида ўтказилган иншоолар кўрик-танловида 68-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Шаҳноза Шарипова республика болалар форумида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритди. Буларнинг барчаси баркамол авлоднинг ўсиб-ўлғайиши, салоҳиятини намойиш этиши учун яратилаётган шароит натижасидир.

Шухрат САМАДОВ,
Нарпай туман халқ таълими бўлими мудири

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

“Қора савдо”

УНГА ҚАРШИ КУРАШ МИНГЛАБ ЁШЛАР ҲАЁТИ ЭРТА ХАЗОН БЎЛИШИНING ОЛДИНИ ОЛАДИ

Гиёҳвандлик моддаларининг тарқатилиши бутун инсониятни ташвишга солиб келаятган ўта хавфли жиноятлардан биридир. Мамлакатимизда бу борада қабул қилинган қонун ва қарорлар ижроси унга қарши кураш чора-тадбирлари самарадорлигини оширишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилапти.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг фаол саяё-ҳаракатлари натижасида ушбу жиноятни содир этганлар аниқланиб, қонунга мувофиқ равишда жавобгарликка тортилмоқда. Жумладан, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Юнусобод туман суди томонидан мўмайгина даромад орттириш илминда қинғир ишни касб қилиб олиб, ён-атрофдагиларнинг осойишта турмушига раҳна солаётган кимсалар қилими қўриб чиқилди. Суриштирувлар натижасида фуқаро И.Зариповнинг 2008 йил 31 март куни тахминан соат 17:30 ларда таниши Г.Собиров

дан героин гиёҳвандлик моддаси етказиб бериш учун 40 минг сўм миқдордаги пул олганлиги аниқланди. Ушбу “қора савдо”даги ҳамқори К.Ботировдан зар қозога ўралган героин гиёҳвандлик моддасини сотиб олган “тадбиркор”, ҳеч иккиланашларсиз мижозини оғу билан таъминлаган.

2008 йил 4 апрель куни Юнусобод туманининг 4-мавзесида сайр қилиб юрган Г.Собировни текширган ИИБ ходимлари, ундан 2 мл. шприцдаги 0,0076 грамм героин суюклигини топишган. Суд мобайнида Г.Собиров ўз айбига тўлиқ иқроор бўлиб, 2008 йил 31 март куни таниши И.Зариповдан героин моддаси топиб беришини илтимос қилганлиги, у эса шериги К.Ботиров воситасида олган суммасига яраша махсулот билан мижозини таъминлаганлигини маълум қилди.

Ҳар қандай қинғир иш борки фош этилмасдан, бунга қўл урган кишилар эса ўз жазосини олмасдан қолмайди.

Судланувчи И.Зарипов содир этган жиноятни, гиёҳвандлик моддаларини қонунга хилоф равишда етказиб беришга бош қўшганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 273-моддаси 2-қисми билан жиноий жавобгарликка тортилди.

Ҳеч ким жиноятчи тамғаси билан дунёга келмайди. Ўз ҳузур - ҳаловати йўлаб ўзгалар ҳаёти, қадрини оёқости қилиш, инсонийлик чегараларини бузиб, қонунга зид равишда фаолият юритиш эса уни ушбу ботқоқ сари етаклайди. Гиёҳвандлик воситаларини етказиб бериш билан шуғулланганлар хатти-ҳаракатларини муҳокама қилар экансиз, уларнинг бу айбини оқловчи бирор ваҳ топа олмайсиз. Улар нафақат осонгина чўнтак қаппайтириш пайида бўлишади, балки бу оғуни қабул қилиш қанчалик ёмон оқибатларга олиб келишини англолмайдиган ёшлар келажакни зулматга айланттиради.

Воқеалар жараёни бизни ана шундай кимсалар қармоғига тушиб қолишдан огоҳлантириши, шу билан бирга бу иллатнинг инсон соғлиги учун ўта хавфли эканлиги ҳамда ёрқин келажак қушандаси бўлмиш гиёҳванд моддалари савдо-сотиғи билан шуғулланиш жамият тараққиёти, эл тинчлиги ва фаровонлигига катта хавф солишини мунтазам ўқитиб туриш жоиз.

Б.ЛАТИПОВ,
Юнусобод туман прокуратураси терговчиси

ФАОЛИЯТ

Хорижликлар билан ҳамкорлик қилинаёпти

Шерзод **ҚУРБОНОВ**,
«Milliy tiklanish» мухбири

Қашқадарё вилоятидаги бунёдкорлик ишларида «Турон-Бунёдкор» қурилиш инжиниринг компаниясининг алоҳида ҳиссаси бор. Компания бош директори Эркин Тўхтаев билан суҳбатимиз давомида ана шундай хулосага келдик.

Иш фаолиятимизни 1997 йилда 7 нафар ишчи ўрни ва йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 12 миллион сўмлик айланма маблағ билан бошлаган бўлса, тинимсиз изланиш ва меҳнат туфайли айни пайтда компаниянинг ишлаб чиқариш ҳажми 8 миллиард 890 минг сўмни ташқил этмоқда, - дейди Эркин Тўхтаев. - Шу билан биргаликда 700 дан ортиқ иш ўрни яратилди. Корхона қошида соатига 12 минг дона пишқиғи, 110 тонна кум ва шағални қайта ишлайдиган завод, шунингдек, ҳар хил тур ва шаклдаги гишт ишлаб чиқариш цехи ҳамда автоомбилларга хизмат кўрсатиш шаҳобчаси ҳам аҳолига беминнат хизмат қилмоқда.

Сўнгги тўрт йилда болалар дам олиш оромгоҳи, 8 та янги мактаб, 5 та касб-хунар коллежи, 2 та пахта тозалаш ОАЖда реконструкция-модернизация ишларини амалга оширдик. Бундан ташқари, Қашқадарё тумани Оқузар қишлоғидаги 20 та хонадонга мўлжалланган барча қулайликларга эга замонавий уй-жой қурилиб фойдаланишга топширилди. Яккабоғ туманининг бир неча умумий ўрта таълим мактаб бинолари, касб-хунар коллежлари биноси янгидан қурилди. Айниқса, Шерози қишлоғидаги 630 ўринли 42-сонли умумий ўрта таълим мактаби, Дархон қишлоғидаги 435 ўринли Саноат ва қайта ишлаш касб-хунар коллежи ва бошқа таълим масканлари биноларининг замонавий қиёфа касб этганини таъкидлаш жоиз. Бундан ташқари, Яккабоғ пахта тозалаш очиқ ҳиссдорлик жамияти ишлаб чиқариш биноларининг катта қисми ҳам реконструкция қилинди.

Компания 2008 йилда 1 миллион 184 минг 300 АҚШ доллари ҳажмидаги импорт ишини амалга оширди: Тошкентда бўлиб ўтган халқаро тендерда ғолиб чиқиб, Ислон тараққиёт банки билан ҳамкорликда 630 ўринли мактаб қурилди.

Хитой халқ республикасида ўтказилган 17-халқаро ярмаркада иштирок этиб, кўлаб қурилиш материаллари, ишлаб чиқариш ускуна ва технологиялари ҳамда ўнлаб замонавий қурилишда фойдаланиладиган техникалар олиб келишга муяссар бўлди.

Компаниямиз томонидан ҳомийлик ёрдамлари ҳам кўрсатиб келинмоқда, - дейди Эркин Тўхтаев суҳбатимиз давомида. - Кейинги уч йилда Яккабоғ, Қашқадарё, Шарҳисабз тумани ва Қарши шаҳрида 76 миллион 400 минг сўмлик ободонлаштириш ва таъмирлаш ишлари бажарилди. Шу билан бирга компаниямиз Яккабоғ қўргон-қалъасидаги ўн нафар кам таъминланган оила фарзандларининг суннат тўйларини ўтказиб берди. Туманнинг Самоқ қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилаётган 30 нафар кам таъминланган оилага ҳар байрамда моддий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Намойишлар ва 22 та самолёт

“British Airways” намойишлар туфайли минглаб рейсларни бекор қилган.



Франс-пресс хабарига кўра, Буюк Британиянинг “British Airways” авиакомпанияси юк ташувчи ходимлар томонидан ўтказилган уч кунлик норозилик намойишлари туфайли қарийб мингта рейсни бекор қилишга мажбур бўлган. Бунга Британиядаги йирик “Unite” касабга уюшмасининг авиакомпания билан бўлиб ўтган саварасиз музокаралар сабаб бўлган. Юк ташувчилар авиакомпания харажатларни қисқартираётган бир пайтда меҳнатга ҳақ ва маошларни сақлаб қолишни талаб қилишмоқда. Кузатувчиларнинг фикрича, ишчи-ходимлар бу каби намойишларни шу йилнинг 27 мартидан яна давом эттиришни мўлжаллашмоқда.

Хабарларга қараганда, оммавий намойишлар пайтида авиакомпания бошқа юк ташувчи компаниялардан 22 та самолётни лизингга олишган.

Вулкон туфайли

Исландияда вулкон туфайли қарийб 500 нафар аҳоли эвакуация қилинган.



Вулкон тунги вақт билан соат 3:00да Рейкьявик ороли — давлат пойтахтидан 120 километр узоқликда уйғонган. Фавқулодда ҳолат туфайли автомобил йўлларида ҳаракатлари тўхтатилган, мамлакатдаги асосий аэропорт вақтинча ёпиб қўйилган. 500 нафарга яқин аҳоли хавфсиз ҳудудга эвакуация қилинган. - Ҳозир мазкур ҳудуд аҳолиси учун ҳеч қандай хавф-хатар йўқ, шунга қарамай, биз 500-600 нафар одамларни бошқа жойга вақтинча қўчиришга мажбуримиз, - дейди Исландия фуқаролар мудофааси департаменти раҳбари Сигурдгейр Гудмундссон. Эслатиб ўтамиз, бундай вулкон сўнгги маротаба 200 йил олдин — 1821-1823 йилларда уйғонган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

БИЗНИНГШАРҲ

Сўнгги пайтларда дунёнинг турли нуқталарида зилзилалар тез-тез содир бўлмоқда. Шу йилнинг февраль ойда жаҳон ҳамжамиятининг диққат-эътибори Гаитига қаратилгани шубҳасиз. Бу ерда мамлакат тарихида ўтган 200 йилдаги энг кучли ер силкиниши содир бўлди, оқибатда 200 мингдан зиёд одам ҳалок бўлди.

Бехбуд БОТИРОВ

Дунё давлатлари ушбу мамлакатга ёрдам кўрсатаётган бир пайтда зилзила ўз кучини сайёрамизнинг бошқа нуқтаси — Чилида кўрсатди. Рихтер шкаласи бўйича 8,8 бали ер силкиниши ҳақиқатан юқори даражада эди. Ҳукумат мамлакатнинг жўгрофик жиҳатдан сейсмик ҳудудда жойлашганини ҳисобга олиб, турар-жойлар, турли биноларни мустаҳкам қилиб қургани қурбонлар сонини камайтирган. Туркия шарқида Рихтер шкаласи бўйича 6 балли зилзила элликдан ортиқ инсоннинг ҳаётига зомин бўлди.

Олимларнинг фикрича, бугунги кун илм-фани, XXI аср технологияси зилзила даракчиларини аввалдан қайд этиб, бўлажак хавф ҳақида маълумот бера олади. Ҳўш, хавфхатарни олдиндан аниқлаш имкони бўлса, у ҳолда нима учун юқорида тилга олинган давлатларда зилзиладан аввалроқ аҳоли оғохлантирилмади ёки хавфсиз жойларга қўчирилмади? Мутахассисларнинг сўзларига кўра, ҳозир ерости силкинишини олдиндан айтиб бериш мумкин, қачонки, ҳар бир сейсмик ҳудудда кузатув ишларида жиддий ёндошилса, энг замонавий асбоб-ускуналар, малакали мутахассис-кадрлар билан таъминланган бўлса.

Айни пайтда Чилида зилзиладан кейинги ўзгаришлар кўпчилигининг диққат марказида бўлмоқда. Мамлакат ички ишлар вазирлигининг фавқулодда ҳолат бўйича агентлиги раҳбари Кармен Фернандес ўз лавозимидан воз кечишга қарор қилган. Истеъфо ҳақида эълон қилар экан Фернандес унинг идораси кучли зилзила оқибатларининг бартараф этиш бўйича тезкорлик билан ҳаракат қилмаганини тан олган. Чили океанография хизмати раҳбари Марияно Рокасани 2010 йил 27 февралда юз берган зилзиланинг сабаби бўлмиш цунами ҳақида ўз вақтида оғохлантирмагани учун ишдан четлатилган. Мамлакат ҳарбий денгиз кучларининг бир қисми ҳисобланган океанография хизмати зилзиланинг биринчи дақиқаларидан сўнг зудликда ҳаракат қил-



Зилзила, кейин цунами

ЕР КЎП ЖОЙЛАРДА ЎЗИНИНГ ШАКЛИНИ ЎЗГАРТИРИБ, СИЛЖИШ ҲОЛЛАРИ КУЗАТИЛМОҚДА

магани сабабли кескин танқидга учраган. Ҳатто, порт шахарлар ҳукуматлари цунами ҳақида оғохлантиришини узатган пайтда ҳам умумий оғохлантиришдан дарак бўлмаган. Чилилик сенатор Эвелин Матей журналистларга вайронагарчилик кўлами бундан ҳам ёмонроқ бўлиши мумкинлигини айтди: - Биз Чилида ер силкинишларига дош бера оладиган биноларни қуриш йўлида ўта қаттиққўл қондаларга эгамиз. Агар шундай қурувчилик қонунларига эга бўлмаганимизда, ҳозир ҳалок бўлганлар сони янада ошиши мумкин эди. Бу зилзила кучи 8.8 балл бўлди, Гаитида эса зилзила кучи 7 балл бўлиб, 200 мингдан ошқ одам ҳалок бўлганди. Аммо зилзила шундай кучли эдики, кўп иншоотлар вайронага айланди. Одамларга озик-овқат, сув, дори дармон етказиш қийин бўлаётди, - деди сенатор. Ўтган йилнинг 6 апрель куни кечаси Италиянинг Абрүццо вилоятида Рихтер шкаласи бўйича 6,3 балли ер силкиниши жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан азият чекаётган халқаро жамоатчиликини яна ларзага солди. Айниқса, вилоятнинг маъмурий маркази Л’Акуила шаҳри катта таловат кўрди. Аҳамиятли жиҳати шундаки, мазкур табиий офатдан бир ой олдин италиялик сейсмолог Жоакино Жулиани Абрүццо ҳудудига кучли ерости силкиниши юз бериши мумкинлигини ҳақида баёнот берганди. У сейсмик ҳудудларда табиий пайдо бўлувчи камёб радиоактив газ-радон концентрациясини аниқлаб, шундай ҳулосага келган. Олим тадқиқот ху-

лосаларини ўзининг интернет-сайтида эълон қилган, радиокарнай ўрнатилган автобусда Л’Акуила шаҳри аҳолиси ушбу хавф ҳақида оғохлантирилган ва хавфсиз манзилга кўчишга ундаган, бироқ кўпчилик мазкур “янгиллик”ка ишонамаган, ҳукумат ҳам олимнинг бу ҳаракатини текшириб кўрмаган. Мутахассислар кучли зилзилалар содир бўладиган минтақаларни сейсмик жиҳатдан иккита асосий ҳудудга бўлишади: булар географик кенглик йўналишида Альп, Карпат, Кавказ, Копетдоғ, Тянь-Шан, Помир, Ҳимолай ва иккинчиси, меридионал йўналишда Тинч океанининг икки қирғоғи ва қисман қуруқлик минтақаларида сайёрамиздаги зилзилаларнинг қарийб 80 фоизи содир бўлади. Бундай сейсмик фаоллашган жойларга Жанубий Америкадан Антарктидагача, Европа ва Осиё қитъасининг шимолий қисми, Марказий ва Ғарбий Африка, Австралия ҳудудлари қиради. Демак, Марказий Осиё унинг сейсмик жиҳатдан фаол бўлган Копетдоғ, Тянь-Шан, Помир тоғлари туфайли сейсмик фаол минтақага қиради. Зилзила эса кўннинг исталган вақтида рўй бериши мумкин. Айни шу жиҳатдан минтақада ҳар қандай ўзгариш ва лойиҳаларни амалга оширишда шошма-шошарлик, ўзбилармонликка йўл қўйиб бўлмайди. Гап қўшни Тожикистонда Амударёнинг ирмоғи бўлган Вахш дарёси узра баландлиги 335 метрлик дунёдаги энг баланд тўғонни қуриш лойиҳаси ҳақида гап кетмоқда. Мутахассислар фикрича, бундай ҳаракат-

РАНГИНДУНЁ

Махфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА, «Milliy tiklanish» муҳбири

Тарихдан маълумки, илк кутубхона қадимги Шарқда пайдо бўлган. Янаям аниқроқ айтадиган бўлсак, Бобилдаги Ниппур ибодатхонасидан топилган кутубхона эрамизга қадар 2500 йилдаёқ фаолият юрита бошлаган. У инсоният тарихидаги энг биринчи кутубхона бўлиб, гил тахтачаларга ўйиб ёзилган битикларнинг йиғмасидан иборат бўлган. Айрим маълумотларга қараганда, Шарқнинг энг машҳур ва қадимги кутубхоналаридан бири Ниневида, Оссурия подшоҳи Ашшурбанипал саройида жойлашган экан.

Конгресс кутубхонаси



Ер юзидagi энг катта кутубхоналардан яна бири Конгресс кутубхонасидир. У Америка Қўшма Штатларининг миллий кутубхонаси ҳамда АҚШ Конгрессининг тадқиқотлар филиали ҳисобланади. Вашингтондаги урта бинода жойлашган ушбу кутубхонада 470 тилдаги 32 млн. китоб, 61 млн. қўлёзма, Мустақиллик Декларацияси нусхалари, Гуттенберг инжили(сақланиб қолинган китобнинг тўртдан бир нусхаси), сўнгги уч юз йил давомидаги 1 миллиондан ортиқ халқаро газеталар нусхаси, 500000 та фильм, 4,8 млн. харита ва дунё-

даги энг катта юридик ҳужжатлар коллекцияси сақланади. Конгресс кутубхонасига Президент Жон Адамс ҳукумати Филадельфиядан янги пойтахт — Вашингтонга кўчиришга қарор қилган йили(1800 йилнинг 24 апрелида) асос солинади. Шунда Қонунчилик палатаси Конгресс учун керакли бўлган барча китобларни сотиб олиш мақсадида 5 минг АҚШ доллари ажратади. Китоблар асосан Лондондан буюртма асосида олиб келиниб, кутубхонада 740 та китоб ва 30 та харита жамланади. Кейинроқ Томас Жефферсон кутубхона-

Кутубхоналар

НОЁБ ХАЗИНАЛАР ЗАҲИРАСИ

Ушбу кутубхонанинг асосий қисмини юридик маълумотлар ташкил этган бўлиб, улар ҳаммаси лой тахтачаларга кўринишида бўлган. Қолаверса, Рамзес II даврида ҳам салкам 20 000 та папирус қоғозига битилган қадимги тўпламлардан кенг фойдаланилган. Бироқ, антик даврдаги кутубхоналарнинг энг йириги Искандария кутубхонаси саналади. Қадимда илк кутубхоналар музейонларнинг(музей) бири қисми бўлгани сир эмас. Тарихчиларнинг фикрича, эрамиздан аввалги I II асрда яшаган Птоломей I Сотер музейонга асос солган илк император ҳисобланади. Уша даврда ҳамма империяни талаш билан овора бўлган бир пайтда у илм-фан ривожига алоҳида аҳамият бериб, «музейон», яъни «илҳом париси ошени» номли даргоҳни бунёд этади. Ушанда Птоломейлар сулоласи томонидан тўққизта шундай даргоҳ қурилади. Шундан иккитаси илм билан боғлиқ бўлиб, уларда тарих ва астрономияга тааллуқли қурилма, ўқув қуруллари, китоблар, фил суяклари, ноёб ҳайвон терилари сақланган ва ўрганилган. «Илҳом париси ошени»ни дунёдаги энг биринчи замонавий кутубхона дейиш мумкин.

Негаки, бу каби масканлар бутун дунё олимларини, улуғ инсонларни ўзига жалб этган, уларни шу ерга чорлаган. Птоломей I Искандария кутубхонасида ниҳоятда бебаҳо саналган китоблар тўпламини йиғиб, 700000 та ноёб қўлёзма сақланадиган йирик кутубхона барпо этилган.

Дунёнинг улкан «хазиналар заҳираси» ҳисобланувчи Искандария кутубхонаси нафақат ўзининг китоблари билан машҳур бўлган, балки буюк олимларнинг илмий ишлари ва кашфиётлари учун ўзига хос лаборатория вазифасини ҳам ўтаган. Шунданми, у ерда турли хил соҳалар бўйича дунёни ҳайратга соладиган нодир маълумотлар сақланган. Птоломей Iнинг асл мақсади илмий маълумотларни тўплаб ўқувчиларга етказиш бўлган. Афсуски, ўтмишда бўлиб ўтган ёнгин-

лар бир қанча илмий ҳужжатларнинг ёниб кетишига сабаб бўлган бўлса, кейинроқ кутубхона вайронага айланиб, бебаҳо хазиналар ҳар тарафга ташиб кетилган. Вақт ўтиши билан жангу жадалларда «ғойиб» бўлган санъат асарлари машҳур кишилар томонидан сотиб олинган ва шу тариқа бой-бадавлат кишилар қадимги санъат асарлари ва тарихий ёдгорликларни тўплай бошлашган.

Қадимда етти мўъжизанинг бири ҳисобланган Искандария кутубхонаси Миср ҳукумати, ЮНЕСКО ҳамда бир қанча давлатлар кўмағида қайта тикланди. 2002 йилда норвегиялик меъморлар ёрдамида кутубхонанинг янги биноси қуриб битказилган. 40 минг кв.м майдонни эгаллаган ушбу кутубхонада ўқиш хонасидан ташқари 8 млн. том китоб учун

китоб жавонлари, конференциялар зали, кўргазмалар хонаси, учта музей ҳамда илмий тадқиқотлар бўлими ўрин олган. Меъморлар кутубхонанинг антик даврдаги кўринишини сақлаб қолган ҳолда, 7 йил давомида тинмай изла-нишди. Улар кутубхона дарвозасига Ўртаер денгизидан топилган Птоломей Iнинг 12 метрлик ҳайкалин ўрнатиб, қадимги кутубхона аънаосига содиқ қолган ҳолда гилдан битилган илмий ишлар, кашфиётлар жамланмасини ҳаминқадар тиклашга муваффақ бўлишди. Қолаверса, бу ерни халқаро маданиятларнинг учрашув жойи сифатидаги аввалги макенини сақлаб қолишга ҳам ҳаракат қилинган. Кутубхона маъмуриятининг фикрича, Искандария кутубхонаси дунё аҳли учун ойнаи ҳахон вазифасини ўташи керак.

Британия музейи кутубхонаси

Британия музейи кутубхонаси Париж миллий кутубхонасидан сўнг дунёдаги энг бой кутубхона ҳисобланади. Бугунги кунда кутубхонада 670 кишига мўлжалланган 6 та ўқув зали бўлиб, унда 8 млн. китоб, 105 мингта қўлёзма, тахминан 100 мингта факрий ёрлик, 3 мингдан ортиқ папируслар сақланади.

Юқорида айтганимиздек кутубхоналар тарихи музейлар билан чамбарчас боғлиқдир. Улар қаерда бўлмасин, бир-бирини эслатиб туради. Британия кутубхонасининг яратилиш тарихи ҳам Британия музейига асос солинишидан бошланади. Аввало, айтиш керакики уч шахснинг шахсийлиги боис ушбу музей ва кутубхонага асос солинган. Айниқса, кутубхонанинг яратилиши Роберт Коттон исми билан бевосита боғлиқ. Роберт 1700 йилда бувасининг (Роберт Гарлей) ноёб санъат дурдоналари (қадимги қўлёзмалари) тўпланган шахсий кутубхонасини ҳукуматга тақдим этади. 1702 йили ўз даврининг энг бадавлат кишиси бўлган Куртон ўзининг барча қимматбаҳо коллекцияларини Ганс Слонга васият қилиб қолдиради. Уша васиятномада



унинг қасри ҳамда шахсий музейидан фуқаролар бир умр фойдаланишлари мумкин, деб ёзилган эди. Шу-шу Слон ўзининг бой музейи ҳамда кутубхонасини юритиб келган. Бироқ, Слон 1753 йили вафот этади. Аъна-нага мувофиқ, у ҳам ўз васиятномасида музейни бус-бутунлигича ҳукуматга топширади ҳамда ўзининг ягона меросхўрига ҳукумат 2000 фунт стерлинг тўлашини сўрайди. Бироқ, ушбу музейнинг энг сўнгги меросхўри — герцогиня Портлендская(герцогиняда ҳам ўша даврда бир қанча қадимги қўлёзмаларнинг асл нусхалари бўлган) 1000 фунт стерлингни ушбу музейни ҳукуматга сотиб юборади. 1759 йилда музей ва кутубхонанинг эшиклари бутун омма учун очилади. Музейнинг кейинги ҳаётида яна бир қимсаннинг номи тилга олинади. Бу Иосиф Планта бўлиб, у 1799 йилдан то 1827 йилга

қадар кутубхона ва музейга раҳбарлик қилган. Шу давр орасида Планта кутубхонани янада бойитишга ҳамда китобхоналар сонини оширишга муваффақ бўлади. Шу тариқа Британия музейи ва кутубхонаси коллекциялари йилдан йилга кўпайиб «дунёдаги энг бой кутубхона» номига сазовор бўлади.

Бугунги кунда Наманган вилоятининг қайси гўша, ҳудудига борманг, жойларда барча соҳаларда ислохотлар жадал суръатларда амалга ошириляётгани, бунинг самараси ўлароқ юксак натижалар қўлга киритиляётганига гувоҳ бўласиз. Хусусан, мухтарам Президентимиз ташаббуси билан вилоятда, айниқса, Наманган шаҳрида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Ҳйчининг бугунги манзаралари

ТУМАНДА ЯХШИ НИЯТ БИЛАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАР ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРМОҚДА

Сайёра ҲАЙИТБОЙ кизи,
«Milliy tiklanish» мухбири

Вилоятда кундан кунга чирой очиб, равнақ топиб бораётган Ҳйчи тумани алоҳида салоҳиятга эга. Туманнинг умумий майдони 309,8 кв.км. бўлиб, аҳоли сони салкам 190 минг нафарни ташкил этади ва бу кўрсаткич билан вилоятда иккинчи ўринда туради. Маркази Ҳйчи шаҳарчаси бўлиб, у Наманган-Учкўрган автомагистрал йўлида жойлашган. Туман географик жойлашиши бўйича шарқдан Учкўрган, жанубдан Норин ва Наманган туманлари билан, ғарбдан Наманган шаҳри, шимолдан Чортоқ тумани ҳамда шимол-шарқ томондан 14,2 км. масофада қўшни Қирғизистон Республикаси билан чегарадош. Худудда 7 та қишлоқ, 3 та шаҳарча мавжуд.

Баркамол авлод — миллат таянчи

Ҳар қандай мамлакатнинг порлоқ келажагини унинг ўсиб келаётган ёш авлоди белгилайди. Туманда таълим соҳасида эришиляётган юксак муваффақиятларни ҳам келажақ йўлидаги муҳим қадам деб баҳолаш мумкин.

Ҳйдақапа қишлоғида жойлашган 2-умумтаълим мактабининг «Йил мактаби» голиби эканлигини эшитиб, ушбу даргоҳга йўл олдик. Нафақат туманда, балки вилоятда ҳам энг намунали мактаблардан бири ҳисобланган илм маскани мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури асосида замонавий қиёфа ва шарт-шароитга эга бўлди.

Мактаб ташки қўрилишининг ўзиёқ бу ерда озодалик, ободончилик ишлари яхши йўлга қўйилганидан дарак беради. Ўқувчиларнинг мактаб либосида кийиниши тартиб-интизомини кўриб, кўнгил ёришади. Ҳар бир ўқув хонаси, фан кабинетлари давлат таълим стандарти талаблари асосида жиҳозланган. Айниқса, мактабдаги замонавий таълим бериш услублари, фидойи ва жонқуяр устозлар фаолияти эътирофга лойиқ. Шу боис, бир неча йилдирки, мактаб ўқувчилари фан олимпиадасининг туман, вилоят босқичларида фаол қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритишмоқда. Ана шундай жонқуяр устозлардан бири Машҳура Ўбайдуллаева мураббийлар куни муносабати билан «Халқ таълими аълочили» кўкрак нишони билан тақдирланди. Қувонарлиси, мактабда у сингари касбига садоқатли ўқитувчилар кўпчилиги ташкил қилади. Жумладан, Дилбар Камолова, Наргиза Раҳматова, Расулжон Минаматов шулар жумласидандир. Яна бир ютуқ — меҳнат фани ўқитувчиси Маъмура Шарофутдинованинг ўқув-методик тавсияномаси вилоятда оммалаштирилди.

- Барча шароит ва қўлайликларга эга замонавий жиҳозлар билан

таъминланган мактабда фаол меҳнат қилмасликнинг ўзи уят, - дейди тажрибали устоз, Халқ таълими аълочили, мактаб директори Насибхон Собирова. - Ўқувчининг қандай билим олишию келажақда ким бўлиб етишиши, аввало ўқитувчига боғлиқ. Шунинг ўзиёқ, ўқитувчи елкасидаги масъулиятни янада оширади қолаверса, уни ўз устида тинимсиз ишлашга ундаб туради. Бизнинг ютуғимиз мактабимиздаги ўқитувчиларнинг деярли барчаси билимли, шу билан бирга тажрибали устозлардир. Она заминимиздан илми билан бутун дунёни лол қолдирган буюк сиймолар етишиб чиққан. Ота-боболарига муносиб авлод бўлиб вояга етиш, ўзларининг билим ва малакалари билан янгиликлар яратиш, Ватанимиз тараққиётига ҳисса қўиш ўқувчиларимизнинг мақсадига айланган. Таъбир жоиз бўлса, бу мақсад фидойи устозларнинг меҳнати, заҳмати орқали амалга ошади.

Сафаримиз давомида тумандаги 46 та мактаб орасида бу даргоҳга бежиз «Йил мактаби» унвони берилмаганига, бу йил ҳам жамоанинг пешқадамликини қўлдан бермаслигига, асосийси, келажагимиз эгалари — ёшлар ишончли қўлларда эканлигига амин бўлдик.

«Отам касбини эгаллаб, кам бўлмадим», -

дейди уйчилик «Отабой сулоласи Отабек» фермер хўжалиги раҳбари Маъмурахон Турғунова.

Туман аграр соҳага ихтисослашган. Шу сабабми, туманда деҳқончиликни тушулмаган одам кам топилди. Эътиборлиси, тумандаги бармок билан санарли фермерларнинг сони бугунги кунга келиб 500 нафардан ошди.

Шуни ҳам фахр билан айтиш керакки, туманда ҳар йили пахта, галла, пилла ҳосили етиштириш ва давлатга сотиш шартномавий режалари ортиги билан бажарилмоқда. Бунда албатта, биз юқорида тилга олган фермерларнинг ҳиссаси кўпроқ.

Биз «Отабой сулоласи Отабек» фермер хўжалигига етиб келганимизда иш қизғин паллада, мироблар далага сув қўйиш билан банд эдилар. Фермер хўжалиги раҳбари Маъмура Турғуновани дала шийонида учратдик. Дастлаб, хўжалик фаолияти ҳақидаги саволимизга туман фермерлар уюшмаси раиси Соҳибжон Дадахонов жавоб берди:

- Инсонда ерга меҳр бўлмаса, уни тушунмаса бу соҳага қўл уришининг ҳождати йўқ. Қарангки, ҳатто ер ҳам меҳрни, инсон тафтини ҳис қилар экан. Опа ҳам ерга меҳр бериб, у билан тиллаша оладиганлардан.

Ҳйдақапа ҳудудида қад ростлаган замонавий дала шийонини, у

ерда ишчи-хизматчиларга яратилган қўлай шарт-шароитларни кўриб, очиги ҳавасимиз келди.

- Иш талаб этишдан олдин, меҳнаткашларга аввало, яхши шароит яратиб бериш керак, - дейди фермер хўжалиги раҳбари М.Турғунова. - Токи ҳар бир деҳқон ўз ишига масъулият ва меҳр билан ёндошсин. Ишчиларимиз шароитини ўрганишга, вақт топили дегунча улар билан самимий суҳбатлашишга ҳаракат қиламан. Раҳматли отам ҳар доим раҳбарлиқнинг энг муҳим шартинсонийликдир, бунинг ҳеч қачон унутма, дер эдилар.

Суҳбатдошимизнинг мулоҳазаларини урили. Ташкил этилганига энди уч йил тўлган фермер хўжалиги ҳар йили режаларини ортиги билан бажаришга эришмоқда. Ўтган 2007-2009 йилларда хўжалиқда 190 млн. сўмдан зиёд даромад қўрилиб, шундан 32 млн. сўмдан ортиқ соф фойда олинган. Фермер хўжалиғида айни дамда 50 нафардан зиёд доимий ишчи хизмат қилмоқда.

Техника — деҳқоннинг қўл-оёғи. Шуни яхши тушунган асл деҳқон қизи ҳар мавсумда олинган фойда ҳисобига техника воситаларини қўпайтиришга ҳаракат қилмоқда.

Иш бошлаганига кўп бўлмай, туманда илгор фермер аёл, деб ном чиқарган Маъмурахоннинг ютуқларини сирини билишга қизиқамиз:

- Бугунги текзор давр ҳар биримиздан шижоат билан ишлашни, тинмай изланишни талаб этади. Бундан қўринадики, олдимизда ҳали қиладиган ишларимиз кўп. Келгусида чорвачилик билан шуғулланиш ниятимиз бор. Чунки фермерлик фаолиятини ривожлантиришда қайта ишлашни йўлга қўйиш муҳим ўрин тутди. Шу боис, фаолиятимизда сутни қайта ишлайдиган технологиялар олиб келиб, бу соҳани ҳам қамраб олмақчимиз.

Ҳозирда мавжуд 70 гектар ерига қўшимча яна 50 гектар ер қўшиб олиш, дала шийонини бўш турган 30 сотих жойда иссиқхона қўридириб, эрта пишир помидор, бодринг, лимон қўчатлари етиштириш, бундан ташқари, ўқишни битирган ёш йигит-қизларни иш билан таъминлаш мақсадидаги Маъмурахоннинг хайрли режаларига қўлоқ тутдик.

- Болалигимизда эласам, отам ишлаган даврларнинг ўзига яраша қийинчилиги кўз олдимга келади. Ростини, бизнинг даврда меҳнат қилишнинг гаши бўлакча. Орзум деҳқончилик ҳадисини олиш, қишлоғим, яъни Ҳйдақапа номидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш. Ўтган мавсум мен учун жууда омадли келди. Вилоятимизда амалга ошириляётган иқтисодий-ижи-моий соҳадаги ислохотларни кўриш ниятида ташриф буюрган мухтарам Ўртобошимиз билан юзма-юз учрашганим, айниқса, фермерлиқнинг истиқболи, истиқлол туфайли биз аёлларга яратилган имкониятлар ҳақида Ўртобошимизга сўзлаб бериш имконияти менга насиб қилганидан бо-



шим қўқма етди.

Уч ўғилнинг меҳрибон онаси, турмуш ўртоғининг ишонган тоғи, маҳалланинг жонқуяр фаол аъзоси Маъмурахонга бугун кўпчилиқнинг ҳаваси келиши табиий.

Маъмурахон 5 млн. сўм миқдоридо ҳомийлик ёрдами кўрсатиб, фермер хўжалиги аъзоларининг ҳар бирини 20 к.дан сифатли картошка уруғи билан таъминлади. Дала шийонини миллий байрамимиз Наврўз айёми муносабати билан 120 нафар одамга дастурхон ёзилиб, тадбир доирасида маҳалла ҳудудидаги 16 та кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олдинди.

Кредитга уй

- Туманимизда салмоқли ишлар амалга оширилди. Айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ютуқларимиз билан фахрлансак арзийди, - дейди биз билан суҳбатда туман ҳокими ўринбосари Жаҳонгир Тошпўлатов.

- Туман мактабларининг 8 тасида капитал реконструкция ва таъмирлаш ишлари бажарилиб, 27-мактабда спорт зали, 38-мактабда бассейн қўриб фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, буюм бозори, бир нечта «савдо», машиий хизмат шохбчалари қўриб битказилди. Туманимизнинг Ерқўрган қишлоғи, Ровот шаҳарчасида ичимлик суви борасида муаммолар мавжудлиги эътиборга олиниб, тармоқлар қўрилишга 100 млн. сўм маблағ сарфланди. Бу борада яна қўллаб-тадбирлар амалга оширилиб, табиий газ масаласига ҳам етарлича эътибор берилляпти. Йўл қўрилиши бўйича 82 млн. сўмдан зиёд, ички қўчаларни таъмирлаш учун 212 млн. сўм маблағ ажратилди.

Ҳайрат педагогика касб-ҳунар коллежи талабаларига ётоқхона етишмаслиги эътиборга олиниб, 100 ўринли ётоқхона қўрилиши бошлаб юборилди.

Минг марта эшитгандан кўра, бир марта кўрган афзал, деганларидек, Боёгон қишлоғида қўриляётган 30 та намунавий турар-жой коттедж бинолари билан танишишга қарор қилдик. Деярли битай деб қолган уйлар олдида қурувчилар билан гаплашиб турган киши диққатимизни тортиди.

- Мана шу уйларнинг бири меники, - дейди туман электросетида оператор бўлиб ишловчи Рустам Муҳаммадосупов. - Уйларнинг қўлайлиги унга дастлабки аванс сифатида

да бор йўғи 25 фоизи тўланиб, қолган 75 фоизи 15 йил муддатда тўлаб борилишидадир.

Бу каби тадбирлар мамлакатимизда аҳолини турар-жой билан таъминлаш борасида кенг имкониятлар мавжудлиги, жумладан, кредитга уй сотиб олиш одамларга қўлайлик туғдираётганидан дарак беради.

Туманга хориж сармояси

Туманга таширфимиздан аввал бу ерда бир нечта қўшма корхоналар фаолият юритаётганлиги ҳақида ҳам эшитган эдик. Фикримизга аниқлик киритиш мақсадида туман ҳокими ўринбосари Мухаммадали Каримовни суҳбатга тартамыз.

- Туманда иқтисодиётнинг бир томонлама ривожланишига аста-секин барҳам бермоқчимиз. Мухтарам Президентимизнинг тўғридан-тўғри, хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармонини бажариш жараёнида ҳам қатор ишлар қилинмоқда.

«Инвестиция жалб этиш натижа-сида хорижий сармоялар иштирокида «Ал-жаҳон», «Син-Нам» Ўзбекистон-Хитой, «Қоратой-Ҳйчи» Ўзбекистон-Туркия, «Халал-чиккен ад ЭГТС» Ўзбекистон-Эрон қўшма корхоналари ҳамда «Мега-текстил» (Туркия) хорижий корхонаси рўйхатдан ўтказилиб, уларда амалий ишлар бошлаб юборилди. Юқоридаги қўшма корхоналарнинг ишга туширилиши билан қўшимча 300 дан зиёд ишчи ўрни яратилди. Туманимизни Ватанимизнинг энг обод гўшаларидан бирига айлантириш йўлида эришяётган ютуқларимиз билан бирга муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Лекин, ҳамма бир ёқадан бош чиқариб, ахиллиқда меҳнат қилар экан, ҳар қандай муаммога ечим топамиз. Ягона мақсад Ватанимиз иқтисодиёти, ҳар бир соҳадаги ривожига муносиб ҳиссамизни қўиш, туманимизни гўзал қиёфада кўришдир.

Меҳнатдан келса бойлик...

Ҳйчида бўлганимизда туманда шахсий ва дала томорқаларидан самарали фойдаланиш борасида ҳам ибратли тадбирлар амалга оши-

риляётганининг гувоҳи бўлдик.

- Жойларда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури ижросини деярли бажаришга эришдик, деб айтсак муболага бўлмайди, - дейди туман ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Обидахон Исмоилова. - Айниқса, аҳолининг томорқалардан унумли фойдаланишини йўлга қўйиш, бог ва тоқзорлар яратиш, хонадонлар саранжом-сарилталигини сақлаш, қўчалар атрофини гулзорга айлантириш, ҳар хил чиқинди ва ахлатлар учун махсус жойлар тайёрлаб, улардан фойдали маҳаллий ўқитлар тайёрлаш каби ишлар бевосита аҳоли иштирокида амалга оширилмоқда. Иқтисодий инқироз шароитида юртдошларимиз дастурхонини тўқин қилиш, кўпроқ сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириб, бозор расталарига чиқариш ва шу орқали нарх-наво кўтарилиб кетишининг олдини олиш асосий мақсади-миздир. Бугунги кунда туманимизда шундай ибратли хонадонлар борки, уларнинг тадбиркорлиги, тартиб ва тежамкорлик билан иш юритишларини кўриб дилинг яйрайди.

«Бугунги кунга ҳар қанча шукрона айтсак кам, - дейди» Еркатай қишлоғи асаларичи Марат Нуриев. - Чунки меҳнат қилган кам бўлмаяпти. Қишлоқ шароитида озгина ери бор ва ундан унумли фойдалани билганининг ҳаёти фаровон. Ҳатто, қишнинг қировли кунларида ҳам дастурхонимиздан ўзимиз етиштирган помидор, бодринг, ошқўқ, шифобахш лимонлар, қатик, қаймоқ, сариёғдан тортиб, тоза асалгача аримайди. Муҳими, оилаларнинг дастурхони тўқин, усти бутун, қорни тўқ.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг мазмун-моҳияти ҳам аслида қишлоқ билан шаҳар ўртасидаги тафовутни аста-секин йўқотиш ва бунга эришишдан иборат эди. Биз Ҳйчига қилган сафаримиз чоғида бу борада кенг қўламли ишлар қилинаётганига гувоҳ бўлдик.

Хулоса ўрнида шуни айтишни лозим топдик. Вилоятда бунёдкорлик, ободончилик ишлари шу зайдда давом этса, Наманган ва унга қарашли туманлар, хусусан Ҳйчининг эртаси буткул янгича қиёфа касб этиши шубҳасиз. Зеро, яхши ният билан қўйилган ҳар қандай қадам, албатта, хайрли ва баракали бўлади.

ТР



VATAN TUYU'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH
МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»
ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ХОМИЙ:
«МАТБУОТ ТАРКАТУВЧИ»
АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Ахтам ТУРСУНОВ, Ахрор АҲМЕДОВ, Голиб-шер ЗИЯЕВ, Суван НАЖБИДДИНОВ, Мухаммад-жон ҚУРВОНОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир:
Жалолиддин САФОВ

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи-назаридан фарқланиши мумкин. Реклама ва эълонлардаги факт ва далиллар учун тахририят жавобгарлиқни ўз бўйига олмайди.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000,
Амир Темура кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
e-mail: milliy@sarkor.uz

Газета ҳафтанинг чоршанба кўни чиқади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 223, Адади — 5444

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371)
234-69-55, 234-87-74,
234-87-73, 234-86-41
ФАКС: 234-01-47

Ҳажми 4 босма табоқ
офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-2

Саҳифаловчи:
Ақбар ШОДИЕВ
Навбатчи муҳаррир:
Исмаи ХУДОЕВ
Навбатчи:
Бехбуд БОТИРОВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 22.50.

1 2 3 5